РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АБДУМАДЖИДОВА ДИЛДОРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

СПОРТ ЮТУҚЛАРИГА ЭРИШИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

19.00.04 –Тиббий психология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 159.9:616.89:796.01(575.1)

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора психологических наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Psychological Sciences (DSc)

Абдумаджидова Дилдора Рахматуллаевна
Спорт ютукларига эришишнинг самарадорлигини оширишда спортчиларнинг психологик тайёргарлиги механизмларини ишлаб чиқиш..... 3

Абдумаджидова Дилдора Рахматуллаевна
Разработка механизмов психологической подготовки спортсменов в повышении эффективности спортивных достижений..... 39

Abdumadjidova Dildora Rakhmatullayevna
Development of mechanisms for psychological preparation of athletes to improve the effectiveness of sports achievements..... 75

Эълон килинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 80

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АБДУМАДЖИДОВА ДИЛДОРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

СПОРТ ЮТУҚЛАРИГА ЭРИШИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

19.00.04 – Тиббий психология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (Doctor of Science) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида V2022.1.DSc/P55 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Солиев Аъламжон Баҳодирович** Биология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Сафаев Нуриддин Салихович.** Психология фанлари доктори, профессор
	Нишонова Замира Таскараевна Психология фанлари доктори, профессор
	Фарфиева Камола Атхамджановна Психология фанлари доктори (DSc), профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат Шарқшунослик университети.**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD 10/30.12.2009.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025-йил «08» 05 куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс (+99871) 241-30-93, e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй, 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03.

Диссертация автореферати 2025-йил «08» 05 куни тарқатилди.
(2025-йил «08» 05 даги №76 рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Мавлянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, (DSc)

А.А. Хаджиметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда охирги йигирма йил мобайнида замонавий спорт сохасида спортчиларнинг психологик тайёргарлигига эътибор сезиларли даражада ошди. "...Спорт психологияси спортчилар ва спорт мусобакаларининг бошка иштирокчилари (мураббийлар, маъмурлар, ота-оналар)га турли шароитларда, турли даражадаги мусобакаларда ва турли ёш гурухларида, ёшлар мусобакалари иштирокчиларидан тортиб профессионал спортчилар, жумладан Олимпия чемпионларигача зарур"[1] эканлиги эътироф этила бошлади. Бугунги кунда ўтказилган охирги тадкикотлар сўровномалари кўплаб спортчилар, мураббийлар ва спорт маъмурлари, уларга ёрдам бериши мумкинлигига ишонишса хам, малакали спорт психологи хизматига мурожаат килишни истамасликлари масаласи долзарб муаммолардан биридир. Шу жихатдан турли спорт йўналишлари учун психологик тайёргарликнинг самарали усуллари ва механизмларини ишлаб чикиш спорт ютукларини такомиллаштиришга каратилган илмий тадкикотлар ва амалий натижалар мазкур сохада устувор ахамият касб этмокда.

Дунёда спорт психологиясига оид тадкикотлар тобора изчил равишда ривожланиб бормокда. Бу ўз навбатида аклий кобилиятларнинг махсулдорликка таъсир килиш жараёни ва унинг механизмларини янада осон тушунишга ёрдам бермокда. Спорт физиологияси ва биокимёси каби фанлардан фаркли ўлароқ, спорт психологияси спортчиларга ўзлари кутмаган оғирликларни кўтариш, кучли мускул мушакларни ривожлантириш оркали кучлироқ ва тезроқ натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмокда. Ушбу тадкикотлар янги психологик усулларни ишлаб чикиш асносида анъанавий билимларни замонавий илмий усуллар билан бирлаштириш мухимлигини таъкидлаб, ушбу сохадаги замонавий билимларни такомиллаштиришга каратилган тадкикотларда алохида илмий ва амалий ахамият касб этмокда.

Мамлакатимизда психология, хусусан спорт психологияси сохаларини ривожлантиришга каратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил Париж шахрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларимизни пухта тайёрлаш бўйича 2021 йил 5 ноябрдаги ПК-5281-сон "2024 йил Париж шахрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори[2]га мувофик спорт фармакологияси, психологияси, тиббиёти, диетологиясини чукур тахлил килиш ва ўрганиш, улар натижасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чикиш мухим устувор йўналиш килиб белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, спорт

[1]"International Society of Sports Psychology 2021" Тайбэ шахрида бўлиб ўтган XV Бутунжахон психологлар Конгресси иштирокчиларига мурожаатидан, 30 сентябрь-4 октябрь, 2021 йил

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПК-5281-сон "2024 йил Париж шахрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори

психологияси соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб бориш ва шу аснода самарали усуллар яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонида белгиланган мақсадларда "67-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш" ва "68-мақсад: Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш"[3] каби мақсадлар ўз аксини топгани Республикамизда спорт психологияси соҳасидаги мутахассис ва олимларга ҳам спортчиларимизнинг натижаларини оширишга ёрдам берувчи инновацион назарий ва амалий таклифларни бериш масъулиятини юклайди. 2020 йил 5 майдаги ПК-234-сон "2022 йилда Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ёзги Осиё ва IV Параосиё ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги, 2021 йил 5 ноябрдаги ПК-5281-сон "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Спорт психологияси соҳасида спортчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, South-American Association Taytsu (Канада); National China Association Ushu (Хитой); Institution of Martial Arts Kodokan (Япония), Federation of Martial Arts Taikwondo (Жанубий Корея); Sofiya University in Bolgary (Болгария), University of Social Psichology (Польша), Hamburg University in Germany (Германия); М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети; П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург давлат жисмоний тарбия институти (Россия) етакчи олимлари томонидан ўрганилган.[4]

---

[3] https://lex.uz/uz/docs/-5841063

[4] Мазкур каби қуйидаги манбаларга асосланган ҳолда ёритилган: P. Kunath. Changes in pervormance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology» Rome, № 1, 1974., Ogilvie B. Tutko T. Lyon L. The Motivational Inventory. In «Scholastic Coach», San Xose, 1976., K.Kohl Uber Bedeutungsgehalte des Sportspiels -In «Sportpsychlogie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972.; Vanek M. Hosek W. Svoboda B. Studie osobnosti ve spory. Universita Karlova, Praha, 1974., Biro H. Extroverzia a zmena vykomy v perseptnomotorickej

Жаҳонда спортчиларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларга психологик хизмат кўрсатадиган тизимни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги натижалар олинган: спортчиларга психологик маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилган (Канада); мусобақаларга тайёрлашда онг кудрати яъни, визуализациядан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (Хитой); спортчиларни янги мусобақаларга мослаштиришнинг психологик асослари яратилган (Болгария); спортчи аёлларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилган (Польша); спортчиларни маҳаллий ва халқаро мусобатларга тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилган (Жанубий Корея); спортчиларни халқаро ҳукуклари такомиллаштирилган (Япония); спортчиларни бўш вақтида самарали фойдаланиш комплекс механизми яратилган (Швецария).

Бугунги кунда жаҳонда спорт психологияси фаолиятида спорт такомиллашуви босқичидаги спортчиларнинг мусобака даврида психологик тайёргарликнинг самарадорлигини ошириш, спортчининг психологик ҳолатини назорат қилиш, спортчи руҳиятининг турли кирраларини ўрганиш, уларни мусобакаларга тайёрлаш жараёнидаги психологик баркарорлигига каратилган бир қатор устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, спортчи фаолиятининг ҳар бир тури ва спортда эришган ютукларнинг даражаси ўзига хос сифатларга эга эканлиги, спортчи руҳияти, психоэмоционал, иродавий ва мотивацион компонентларини аниклашга каратилган психодиагностик усуллар ва психокоррекцион дастурларни амалиётга тадбиқ этилиши шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда спорт психологияси йўналишида спортчи шахси, фаолияти, спортчининг психологик хусусиятлари ва психологик тайёргарлиги, спорт машғулотларининг спортчи шахси шаклланишига таъсири, спорт жамоаларида шахслараро муносабатлар, жамоадаги психологик мухит каби муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган. М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, З.Г.Гаппаров, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Р.Суннатова, Р.Тожибоева, Н.Сафаев,

---

uloke u sporto vsov – «Teorie a praxe telesne vychovy», №3, 1976 ; Родионов А В Влияние психологических факторов на спортивный результат М ФиС, 1983 , Вяткин Б А Управление психическим стрессом в спортивных соревнованиях ФиС, 1981 , Лобзин В С , Решетников М М Аутогенная тренировка Л Медицина, 1986 , Мельников В М , Ямпольский Л Т Введение в экспериментальную психологию личности М Просвещение, 1985 , Норакидзе В Г Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена , Палайма Ю Ю Опыт исследования относительной силы мотива и формирования соревновательной установки у спортсменов , Дойль В Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена , Пуни А Ц Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте , Онищенко И М Опыт психологического изучения основных качеств личности спортсмена , Попеску С, Иота М , Хордиган В О некоторых средствах и приемах психического воздействия в спорте Сборник научных работ психологов спорта М ФиС, 1973 Токарева В А Межнаучная проблема личности и перспективы ее исследования в XXI веке. /XXI аср психологияси: назария, амалиет, истикболлар //ЎЗМУ халқаро илмий-амалий конференция материаллари -Т «Mumtozsoz», 2013.

Н.Мирзарипова, Н.Одилова, Н.Машарипов, Д.Н.Аркулов, Ж.Пўлатов, Г. Елдашева, З.Э.Газиева илмий-тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин.[5]

Спортчиларни тарбиялашнинг психологик-педагогик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар Л.Виготский, А.Леонтьев, А.Бодалев, Б.Ананьев, А.Г.Асмолов, Б.Ц.Бадмаевларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.[6]

Спортчи шахсини ўрганиш, унинг ўз ўрнини, алоқа ва мулоқот тизимидаги позициясини, тўғма ва орттирилган хислатларидан қандай фойдаланаётганлиги ҳамда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг объектив методологик ёндашишни ривожлантириш инсон шахсини янада кенгрок, яхлитрок таърифлаш, спортнинг шахс ижтимоийлашувидаги шакллантирувчи психологик хусусиятларини ўрганиш қатор олимларнинг жумладан, Н.Кунат, В.Сафин, Р.Пилоян, Ю.Ханин, В.Г.Асеев, А.А.Бодалев, В.В.Столин, В.Лобзин, М.Решетников, В.Марищук, О.Н.Кажарская, О.А.Кондрашихина, В.А.Родионовларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.[7]

Хорижий тадқиқотчилардан спортчи фаолиятини тадқиқ қилиш борасида Э.Герон, В.Дойль, В.Гошек, П.Рудик, Ю.Палайма, А.Пуни, Т.Эксакусто, Л.Шерток, П.Рокушфалви, В.Норакидзе, В.Наврокая, О.Черниковаларнинг илмий ишлари мисолида кўришимиз мумкин.[8]

Г.Давлетшин Ёш даврлари тарбияланнинг психологик муаммолари Т "Кадриятлар ва ижтимоий тараккиет 1997 Э.Гозиев Интеллект психологияси Т." Университет" 1996 Б.Кадыров Способности и склонности Т Фан 1990 Р.Гайнутдинов, З.Гаппаров Динамика психофизиологических показателей в процессе учебных нагрузок у студентов института физической культуры //Вопросы физического воспитания студентов Т 1976 С 147-152 Г.Б.Шоумаров Реализация Национальной программы по подготовке кадров в Узбекистане «Сипо», Токио 1998 В.Каримова, Р.Сунгатова, Р.Тожибоева Мустақил фикрлаш ўқув қўлланма Т Шарқ, 2000 Н.Сафаев, Н.Мирзарипова, Н.Одилова Умумий психология назарияси ва амалиети. Т 2013.-292 б Н.Машарипов. Спорт психологияси. Ўқув қўлланма.–Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриети, 2010 йил, 20-40 б D.N.Arzikulov Psixologiya va sport psixologiyasi: Darslik / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi – Chirchiq O'zDJTSU, 2020 – 333 b Ж.Пўлатов, Г.Елдашева Спортчиларни психологик тайёрлаш ўқув қўлланма -Тошкент "Unnd Design", 2021 4-6 З.Э.Газиева Спортда гуруҳий жипслик шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (футбол командалари мисолида) PhD ...дис 19.00.05 - ЎзМУ, 2019 –160 б

Л.Выготский Педагогическая психология М.Педагогика-Пресс, 1996 536с А.Леонтьев Деятельность, сознание, личность М.Политическая литература, 1977 А.Бодалев Личность и общение М Международ.пед. академия, 1995 Б.Ананьев Проблема формирования характера Л.1969 А.Г.Асмолов Психология личности -М МГУ 1990 367с Б.Ц.Бадмаев Психология в работе учителя В 2-хт -М Владос 2004 391с

Н.Кунат Проблемы нагрузки с точки зрения психологии спорта «Психология и современный спорт» М.ФиС, 1973.-С.319-324 В.Сафин Самооценка и взаимооценка старшеклассников в зависимости от внушаемости Вопр. Психологии М.1979, № 1 Р.Пилоян Мотивация спортивной деятельности М ФиС.1984 104с Ю.Ханин Психология общения в спорте М.ФиС, 1980 208с В.Г.Асеев Проблема мотивации и личность В сб "Теоретические проблемы психологии личности" - М., Наука 1994 -С.68-76 А.А.Бодалев, В.В.Столин Общая психодиагностика - СПб Речь 2002 320с В.Лобзин, М.Решетников Аутогенная тренировка Л.Медицина, 1986,- 280 с В.Марищук и др Методики психодиагностики в спорте Учебное пособие для студентов пед.ин-тов М.Просвещение, 1990.-256с Кажарская О.Н., Кондрашихина О.А. (2022) Психологический тренинг как метод развития аттенционных характеристик у спортсменов высокого класса в пулевой и стендовой стрельбе Перспективы науки и образования, (3 (57)), 523-539 Родионов, В.А. Спортивная психология Учебник - М. Издательство Юрайт, 2014 - 367 с

Э.Герон Психоспортограмма «Психология и современный спорт» М.ФиС, 1973 -С.40-61 В.Дойль Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена «Психология и современный спорт» М.ФиС, 1973.-С.121-143 В.Гошек Успех как мотивационный фактор спортивной деятельности «Психология и современный спорт» М.ФиС, 1973.-С.100-120 П.Рудик Психологические аспекты спортивной деятельности «Психология и современный спорт» М.ФиС,1973.-С.14-39 Ю.Палайма Опыт

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофик ПЗ-20170928597 "Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўкув-машк дастурларини мукобиллаш учун спортчилар физиологик холатини математик моделини яратиш" мавзусидаги илмий-амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спортчилар фаолиятида психологик тайёргарликнинг назарий-методологик ва эмпирик жиҳатдан асослаш ҳамда спорт ютукларига эришиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш жараёнидаги психологик барқарорлиги ҳамда жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган эмпирик тадқиқотларни ўтказиш;

спортчиларда мусобақа жараёнида кечадиган фрустрация, регидлик ва хавотирланиш каби ҳолатларнинг психологик хусусиятларини аниклаш ва статистик тахлил усуллари ёрдамида тадқик этиш;

спортчи шахсининг мотивацион-иродавий ва эмоционал хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳиссий барқарорликни шакллантириш бўйича мусобакаларга умумий психологик тайёрлаш усуллари мажумасини яратиш ҳамда уларни спорт амалиётида қўллаш;

спорт натижаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, психокоррекцион усулларнинг тизимли қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий хулосалар чиқариш;

мураббийлар ва спортчилар учун психологик тайёргарлик бўйича ижтимоий-психологик тренинг дастурини машғулотларда тадбик этиш мусобака жараёнида ўз-ўзини бошқара олиш кобилиятларини такомиллаштириш бўйича зарур амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика микёсидаги спорт мактаблари ва федерацияларидан жами 452 нафар спортчилар жалб этилган. Шу жумладан, турли ёшдаги (ўртача 20 ёшдаги спортчилар), турли спорт турлари ва спортда эришган даражалари бўйича 352 нафар профессионал ва 100 нафар ҳаваскор спортчилар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларнинг психологик тайёргарлигига таъсир этувчи психологик саломатлик ҳамда спортчининг

исследования относительной силы мотива и формирования соревновательной установки у спортсменов «Психология и современный спорт» М ФиС, 1973 -С 86-99 А Пуни Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте «Психология и современный спорт» М ФиС,1973 -С 144-161 Т Эксакусто Практикум по групповой психокоррекции тренинги, упражнения, ролевые игры Ростов н/д Феникс, 2007 - 339с Л Шерток Неопознанное в психике человека М 1982 -С 33 П Рокушфалви Некоторые психологические вопросы, связанные с выбором вида спорта «Психология и современный спорт» М ФиС,1973 -С 170-174 В Норакидзе Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена «Психология и современный спорт» М ФиС, 1973 -С 62-71 В Навроцкая Анализ и формирование структуры межличностных отношений в спортивном коллективе «Психология и современный спорт» М ФиС, 1973 - С 72-85 О Черникова Психологические особенности спортивных эмоций «Психология и современный спорт» М ФиС, 1973 -С 190-205

мотивацион-продавий ва эмоционал хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муносабатлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот қуйидаги методикалар ёрдамида амалга оширилди: спортчи шахсининг мотивацион-продавий хусусиятларини психодиагностика қилиш усуллари: М.В.Чумаковнинг "Шахснинг продавий сифатлари" (ВКЛ) методикаси - Э.Г.Гозиев модификацияси; Т.Элерснинг муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш ва маглубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш методикаси; эмоционал хусусиятларни аниқлаш учун: Г.Айзенкнинг "Ўзини психик ҳолатини баҳолаш сўровномаси"; В.А.Доскин, Н.А.Лаврентьева, В.Б.Шарай, М.П.Мирошников муаллифлигидаги "Ўз-ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" (САН) методикаси; "Психологик саломатлик хусусиятлари" (ТПЗ) методикаси (azps.ru. психлабораторияда тайёрланган). Мазкур тадқиқотнинг барча босқичларида олинган натижалар ва хулосаларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида математик-статистик мезонлар қўлланилди. Жумладан, эмпирик маълумотларнинг нормал тақсимланиш қонунига мослигини текшириш мақсадида Колмогоров-Смирнов мезони, ўзаро боғлиқ бўлмаган танламалар орасидаги фаркнинг аҳамиятлилик даражасини аниқлашда: Манн-Уитни U-мезони, Крускал-Уоллис Н-мезони, Спирман непараметрик корреляцион таҳлил мезони, шунингдек, коррекциядан кейинги ўзгаришлар Уилкоксон мезони орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт такомиллашуви босқичидаги спортчиларнинг мусобақа олди ва ўтиш даври самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган схема ёрдамида спортчининг психологик ҳолатини назорат қилиш жараёнини турли босқичларида окилона қўллаш орқали спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш жараёнидаги психологик барқарорлиги ҳамда жисмоний тайёргарлиги такомиллаштирилган;

психодиагностика усулларининг индивидуал-психологик хусусиятларига караб танлаш асосида ишлаб чиқилган машғулот жараёнида психологик тайёргарликни оширувчи, мусобақа жараёнида психологик тайёргарликни бошқариш каби усулларни ўзида мужассам этувчи "Психологик тайёргарликнинг қўллаб-қувватлаш" номли модель ёрдамида спортчиларда мусобақа жараёнида кечадиган фрустрация, регидлик ва ҳавотирланиш каби ҳолатларидан спортчиларни олиб чиқиш самарадорлиги оширилган;

спортчиларда психологик техникаларни қўллаш ёрдамида ўз психик ҳолатини бошқаришда идеомотор тренировка, ауторегуляция ва гетерорегуляциядан фойдаланиш орқали апатия ҳолатидан чиқиш, ҳаракатларни фаоллаштириш ҳамда ҳиссий барқарорликни шакллантириш имкониятлари кенгайтирилган;

спорт фаолиятида психотехнологияларнинг аҳамияти ва психодиагностика усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигини психологик консультация ва психологик тренинг дастурининг

умумлаштирилган восита ва усуллари кетма-кетлигини ифода этувчи схема ёрдамида психокоррекция усулларининг тизимли қўллаш самарадорлиги оширилган;

спортчини мусобака олди ҳамда мусобака жараёнида психологик ва педагогик ёндошувни такомиллаштириш максадида ишлаб чикилган конструктив таъсир этадиган психологик тайёргарликнинг умумий ва махсус комплекс шакли ҳамда психологик тайёргарликни коррекциялаш оркали мусобака жараёнида ўз-ўзини бошкара олиш кобилиятлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спортчи кучли мувозанатсиз асаб тизимига эга бўлганда ўз руҳий ҳолатини бошкаришдаги қийинчиликларни енгишга йўналтирилган ҳамда спортчининг асаб тизими хусусиятлари ва психомотор кобилиятлари, шахсий-индивидуал хусусиятлари, психологик саломатлигини аниклашга қаратилган бир қатор психодиагностика методикаларни қўллашнинг самарали имкониятлари аниқланган;

спортчининг психологик тайёргарлик ҳолатига таъсир этувчи омиллар: мусобаканинг характери, атрофдагиларнинг хулқ-атвори, мусобакадан олдин бажарган машклар сифати, ўз кучи ва кобилиятига ишончи, спортчининг ўзига хос психологик хусусиятлари билан ишлашнинг усул ва воситалари тадбиқ этилган;

спортчиларда психологик таёргарликни ошириш максадида мураббий ва спортчилар учун кутилмаган хавфли вазиятларда оптимал хавотирланиш кобилиятини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинг дастури ҳамда психологик коррекция қилиш усуллари ишлаб чикилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги тадқиқот объектининг Ўзбекистон муҳитида танланганлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг турли усулларда ва бир нечта боскичда амалга оширилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташилотлар ва спорт федерациялари томонидан тасдикланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти психологик тайёргарлик ва психологик саломатлик тушунчалари орасидаги боғликликни тизимли таҳлили амалга оширилганлигида, спортчининг мотивацион-продавий ва эмоционал хусусиятлари ҳамда психологик саломатлигининг психологик тайёргарликка таъсирини эмпирик тадқиқотлар натижасида талкин қилиш ва янада чукуррок тадқик этиш учун янги илмий йўналишларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан келгусида спорт фаолиятида, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа спортчиларининг психологик

ҳолатини ўзгаришга кузатиб бориш ва назорат қилиш, уларга кўрсатиладиган психологик хизмат сифатини ошириш, спорт федерация (ассоциация)ларидаги спорт психологларининг малакасини оширишда, психологик тайёргарликни ошириш орқали спортчиларнинг рухий ва жисмоний фаоллик даражасини ўстиришда ҳамда "Спорт психологияси", "Спортда психодиагностика ва психокоррекция" йўналишларида ўқув адабиётларини янада такомиллаштириш ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спорт ютукларига эришишнинг самарадорлигини оширишда спортчиларнинг психологик тайёргарлиги механизмларини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

спортчиларни психологик тайёргарлиги самарадорлигига таъсир қилувчи психологик воситалар ва усулларни қўллаш ёрдамида спорт фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланиш, спортчиларни тайёрлашда ишлатиладиган асосий психорегуляция усуллари ҳақида мураббий ва спортчиларга таълимий маълумотларни бериш ҳамда индивидуал психологик консультациялар олиб бориш орқали эмоционал ҳолатлар, когнитив жараёнлар психокоррекцияси, мақсадларни тизимлаштиришни тўғри йўналтириш ва шахслараро муносабатларда жипслашишга доир илмий таклифлар Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2025 йил 29 январдаги ПМ-305-сонли буйруғига асосан "Тиббий психология" ва "Психогигиена" модулларига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2025 йил 29 январдаги ПМ-305-сонли сонли маълумотномаси). Натижада, психологик тайёргарликни оширувчи методларни ишлаб чиқиш, спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда тўғри усул ва воситаларни танлаш ҳамда уларни мақсадли қўллаш томонларини таҳлил қилиш ва илмий-амалий жиҳатдан талқин қилишга ёрдам берган;

замонавий профессионал спортда олий ютукларга жисмоний, тактик, техник тайёргарлик билан биргаликда психологик тайёргарликнинг методларидан фойдаланиш спортчининг келажакдаги мусобақаларда иштирок этиши учун қўшимча заҳираларини очишга ёрдам бериши сифатида аниқланганлигига доир илмий натижалар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятида татбиқ қилинган (Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2024 йил 16 октябрь 87-сонли маълумотномаси). Натижада, спортчининг психомотор қобилиятлари, шахсий-индивидуал хусусиятлари, мотивлари, иродавий сифатлар, эмоционал хусусиятлари бўйича билим, малака ва кўникмаларнинг кенгайишига шароит яратган;

спортчиларни психологик тайёргарлигини ошириш учун олиб борилган эмоционал, мотивацион-иродавий, психологик саломатлик хусусиятларни аниқлаш кўрсаткичлари уларда психологик, тактик ва техник тайёргарликка

ҳам ўз таъсирини кўрсатиши аниқланганлигига доир илмий натижалар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети "Таэквондо ва спорт фаолияти" факультетининг спортчилари ва мураббийлари спорт фаолиятида тадбиқ қилинган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети "Таэквондо ва спорт фаолияти" факультетининг спортчилари ва мураббийлари спорт фаолиятида тадбиқ қилинган 2024 йил 22 октябрь 59-сонли маълумотномаси). Натижада, спортчининг диққат-эътибори ўз хатти-ҳаракатларини техник жиҳатдан тўғри бажаришга қаратилиши, психоэмоционал ҳолати ва иродавий хусусиятларини ривожлантириш спортчида психологик билим-кўникмалар психологик таёргарликни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

спортчиларда психологик тайёргарликни психодиагностика усулларининг спортчи индивидуал-психологик хусусиятларига қараб танлаш орқали машғулот ва мусобақа жараёнида психологик тайёргарликнинг қўллаб-қувватлашга доир илмий натижалар Ўзбекистон Велосипед спорти федерацияси спортчилари ва мураббийлари спорт фаолиятида тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Велосипед спорти федерациясининг 2024 йил 15 октябрь 44-сонли маълумотномаси). Натижада, спортчилар гуруҳида психологик консультация ва психологик тренинг дастурининг умумлаштирилган психокоррекция усулларини амалиётда қўллаш имкони кенгайтирилган;

умумий спорт тайёргарлигининг муҳим омили сифатида спортчилар ҳамда мураббийлар спорт психологик тайёргарликни оширишга йўналтирилган муайян спортчи психикасига таъсир этувчи мақсадли методлардан фойдаланиш орқали, спорт турига хос бўлган хусусиятларни аниқ воситалар асосида шакллантириш, психологик тайёрлаш жараёни иштирокчиларининг фаолиятига ижодий ёндошуви спортчининг салоҳияти ҳамда юқори даражадаги ютукларининг давомийлигини сақлаб қолишга доир илмий натижалар Ўзбекистон Таэквондо WT ассоциацияси спортчилари ва мураббийлари спорт фаолиятида тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Таэквондо WT ассоциациясининг 2024 йил 21 октябрь 29-сонли маълумотномаси). Натижада, спортчилар жамоасини жипслашиш ва муваффакиятга эришиш мотивациясининг самарадорлигини оширишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий конференция, шу жумладан 9 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 1 та монография, 2 та услубий тавсиянома, 36 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Тадқиқот натижалари 9 та республика ва 12 та халқаро анжуман тўпламларида акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар бўйича гувоҳномалар олинган:

"Спортчиларнинг психологик тайёргарлиги самарадорлигини оширишда психодиагностика ва психокоррекция ишлари" дастури (23.02.2024 й. №DGU 34009) ва "Мураббийлар ва спортчилар учун психологик тайёргарлик бўйича ижтимоий-психологик тренинглар мажмуаси" дастури (15.05.2024 й. №BGU 1422).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 267 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳи тавсифланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга татбиқ этилганлик ҳолати, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Спортчиларнинг мусобақаларга психологик тайёргарлиги тадқиқот муаммоси сифатида»** деб номланган. Мазкур бобда спортчиларда психологик тайёргарликнинг долзарблиги, спортчилар психологик тайёргарлигининг ўрганилганлик даражаси ҳамда психологик тайёргарликни психологик омилларга бевосита боғлиқлиги ёритилган. Замонавий профессионал спорт соҳасидаги олий ютуқлар, субъектнинг янгиликларни канчалик самарали ўз йўналишида амалда қўллай олиши, янгиликларни бағрикенглик билан қабул қила олишига бевосита боғлиқдир. Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт, олимпия ҳаракатини ривожлантириш муайян маънода ҳам стратегик, ҳам аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги омилидир. Халқаро майдонда ўзбек спортчиларининг ўрни бугунги кунда эътиборга молик бўлишига қарамай, таъкидлаш жоизки, ҳар тўрт йилликнинг энг масъулиятли мусобақаси спортчиларнинг канчалик муакаммал тайёргарликка эга эканлигини намоён этади. Америка психологлари ассоциацияси (АПА)нинг маълумотларига қараганда, АҚШ олимпиячи спортчиларига психолог бириктириш ҳамда спортчиларнинг психологга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда, нафақат дебютор олимпиячи спортчилар балки номдор ҳамда кўп карра олимпияда ўйинларининг олтин медалини қўлга киритиш тажрибасига эга спортчиларда психологик тайёргарликка бўлган талаби юзага келаётгани АПА томонидан эътироф этилган.[9]

Спорт фаолиятида психологик тайёргарликни самарали олиб боришнинг вазифаларидан бири спортчиларни оғир шароитларда ўзини ўзи бошқариш ҳамда ақлий, руҳий ва жисмоний имкониятларини ошириш услубларидан

[9] https://www.apa.org/topics/mental-health/going-for-gold

тўла фойдалана олишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун, спортчилар ўз аъзолари фаолияти функцияларининг конунларини билиш асосида ўз-ўзини бошқариш, руҳий ва жисмоний имкониятларини ошириш услубларини амалиётнинг энг муҳим шароитларида қўллай билишлари зарур. Бу услубларни билиш психологик тайёргарликни оширишда, руҳий ва жисмоний фаоллик даражасини ўстиришда, инсонни камолга етишувида ҳамда ички руҳий имкониятлардан тўла фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Спортчиларнинг психологик тайёргарлигига таъсир кўрсатадиган стартдан олдинги руҳий ҳолатини ўрганиш халқаро спорт мсобақаларида коникарсиз кўрсаткичларга сабаб бўлиши кузатилиб келинмокда. Бу эса, спортчиларнинг тактик, техник ва жисмоний тайёргарлигидан ташқари, уларнинг мусобакадан олдинги руҳий тайёргарлик ҳолатига ҳам боғлик эканлиги спорт фаолиятида асосланган. Чунки, спортчиларнинг мусобака жараёнидаги руҳий ҳаяжонланиш ҳолатлари турли хил шаклларда, кийин вазиятларда ўзини тўғри бошқара олишида, спортчининг олдинги мусобақаларда эришган муваффақиятларига кўп жиҳатдан боғлик бўлади. Яъни, спортчининг мусобақага психологик тайёргарлик ҳолати асаб тизимининг таъсирчанлигига, старт олиш жараёнида миядаги қўзғалиш вахима даражасида юкори бўлса, спортчининг мусобакадаги натижалари коникарсиз кўрсаткичлар билан якунланади.

«Спорт ютукларида самарали натижаларга олиб борувчи тайёргарликнинг индивидуал психологик омиллари» деб аталган диссертациянинг иккинчи бобида психологик саломатликни психологик тайёргарликка таъсири, спортчиларнинг психологик тайёргарлигини ўрганишнинг спорт ютуклари самарадорлигини ошириш шарти сифатида ва замонавий профессионал спортда психологик тайёргарлик масаласининг аҳамияти баён этилган.

Жахондаги психологик тадқикотларда шахснинг психологик саломатликка кадрият сифатида муносабатини ўрганишнинг устуворлиги замонавий инсон ҳаёт тарзининг ўзгариши юкори даражаси сабабли юзага келмокда. Инсон турмуш тарзининг ижтимоий ва психологик омилларини ўрганиш мухимлиги инсонлар хулк-атворини ўзгартириш оркали турли касалликлар ва ўлим хавфи юзага келишининг олдини олиш ёки камайтириш имконияти билан боғлик.[10] В.А.Ананьев томонидан берилган таърифга асосан, "Психологик саломатлик тушунчасига куйидагилар киради: соғликни сақлаш шароитида инсоннинг ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини билиши элементлари, инсоннинг ҳаёти мобайнида орттирган билимларини ўз ичига олади, уларнинг имкониятлари, ички захираларидан фойдаланиш қобилияти ва салоҳиятидир".[11] Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти томонидан таклиф этилган (1948йилда) таърифда шундай келтирилган: "Саломатлик - бу


[10] Вопросы здравоохранения [Электронный ресурс]//Сайт Всемирной организации здравоохранения URL http://who.int/ru/

[11] Ананьев В.А. Основы психологии здоровья. Книга 1. Концептуальные основы психологии здоровья. СПб.: Речь, 2006. 384 с.

нафақат касаллик ёки заифликни инкор этади, балки жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлик тўлиқ ҳолатда акс этишини билдиради".[12] Ушбу таъриф психологик саломатлик феноменини тизимли ва яхлитлигини акс эттирган ҳолда, тиббиёт, психология, социологияда қабул қилинган ушбу ҳодисанинг ягона жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигини ўзида мужассам этади.

Назарий психологик тайёргарлик жараёни аниқ бир спортчининг мақсадли психологик тайёргарлик жараёнини стратегик алгоритмларини кўриб чиқади, яратади ва тажриба синовларни ташкил этишни ўз ичига олади ҳамда муайян спорт психологик тайёргарлик муаммоси устида эмпирик тадқиқотларни олиб боради. Амалий психологик тайёргарлик йўналиши эса, мавжуд назарий методлар ҳамда техникаларни амалиётга тадбиқ этиш орқали бевосита спортчининг психологик тайёргарлик самарадорлигини ошириш, ўз навбатида бир вақтнинг ўзида спортчининг олий ютуқларга эришиш ёки натижаларини яхшилашни таъминлайди.

Психологик тайёргакликнинг алоҳида ўз мақсади ва вазифалари бўлишини инкор этмаган ҳолда, психологик тайёргарлик умуман олганда алоҳида спорт тайёргарлиги тури сифатида эмас, балки асосий учта спорт тайёргарлик турлари, яъни жисмоний, тактик ва техник тайёргарлик жараёнини тўлдирувчи, мазкур жараёнлар таркибига кирувчи компонент сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Эътибор бериш керакки, психологик тайёргарлик структурасининг таркибий қисмлари, йиллар давомида олиб бориладиган умумий спорт тайёргарлигининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади (1-расмга қаранг).



1-расм. Психологик тайёргарлик структурасининг таркибий қисмлари.

[12] Глоссарий терминов по вопросам укрепления здоровья Женева Всемирная организация здравоохранения, 1998

Қуйида ҳар бир спорт психологик тайёргарлик структурасининг кисмига алоҳида тушунча бериб чикамиз:

танланган спорт турининг психологик паспорти - бўлажак психологик тайёргалик натижалари модели бўлиб, психологик тайёргарлик структураси элементи сифатида спортчининг такомиллашуви жараёнини акс эттиради;

спортчини психологик характеристикаси - спортчини психологик диагностика жараёни сифатида, шахс ва психик хусусиятларини баҳолаш фактори бўлиб, спортчининг психологик тайёргарлигини мазкур маълумотларсиз, олиб бориш мумкин эмаслигини билдиради;

умумий психологик тайёргарлик - интелектуал, коммуникатив, эмоционал, иродавий, кадриятларга оид билим-кўникмалар киради ва спортчи шаклланишининг асоси ҳисобланади;

конкрет машғулотга психологик тайёргарлик - бу психологик-услубий ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар тўплами бўлиб, ўз ичига: машғулотнинг мақсадли установкаси, спортчининг диккатини йўналтириш, онгли равишда тегишли ҳаракатларни амалга оширилишини ташкил этиш, якунига етган машғулотни таҳлилини амалга оширади;

мусобақа олди психологик тайёргарлик - спортчи олдида турган аник мусобакага унинг тажрибасидаги барча орттирилган билим, кўникма, малакаларни ўринли ҳамда мақсадли фойдаланишни билдиради;

старт олди психологик тайёргарлик - психологик муаммоларни тезкор бартараф этиб, спортчини мусобақада юкори натижани кайд этишга бўлган ҳаракатини кўллаб-кувватловчи жанговор кайфият кўламини таъминлайди;

бевосита мусобақага оид психологик тайёргарлик - спортчида кучли рақобат муҳитида тезкор фикр юритиш, тўғри тактик-техник карор кабул қилиш, эмоционал ҳолатларни бошқариш қобилиятини ривожлантиради;


мусобақадан кейинги психологик тайёргарлик - бу муваффакиятли ва муваффакиятсиз мусобақадаги иштирокни таҳлил қилиш, мазкур жараёндаги спортчи олдига қўйиладиган ментал ва ҳаракатли вазифаларни бажаришни ўз ичига олади.

Бизнинг ёндашувимиз учун энг муҳим жиҳатлардан бу педагогик-психологик жараён ҳисобланади. Спортчига конструктив таъсири жиҳатидан, психологик тайёргарлик жисмоний ва тактик-техник тайёргарлик потенциалидан максимал фойдалана олишга хизмат қилувчи, мусобақа олди ҳамда мусобақада юзага келиши мумкин бўлган психологик блоклар: ўз кучига ишонмаслик, эҳтимолий мағлубият хавотири ва кўркувлар, кучли хаяжон, тўлқинланиш, ўз ўзига ментал чекловлар қўйишга қарши мустаҳкам тура олувчи психик ҳолатни яратишдан иборатдир.

Диссертациянинг **«Спортчиларнинг мусобақаларга умумий ва махсус психологик тайёрлаш воситалари»** деб номланган учинчи бобида спортчининг психологик тайёргарлигини оширишда самарали воситалардан фойдаланиш, ижтимоий-психологик тренинглар психологик тайёргарликни ошириш ҳамда ирода сифатларини ривожлантирувчи усулларнинг аҳамиятига бағишланган. Мазкур бобда психологик тайёргарлик ўзига хос

таълим-тарбия жараёни сифатида кўриб чиқилган, спортчиларнинг машғулот жараёнида, мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиш ва самарали спорт фаолиятини белгилаб берувчи шахс хусусиятлари, психик сифатларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириб боришнинг усул ва воситалари келтирилган.

Тадқиқотда иштирок этган спортчиларда олиб борилган эмоционал, мотивацион-продавий, психологик саломатлик хусусиятларни аниқлаш кўрсаткичлари уларда тактик ва техник тайёргарликка ҳам ўз таъсирини кўрсатгани аниқланган. Тадқиқотимизда қатнашган респондентларнинг профессионал ва ҳаваскор спортчилар кесмида берилганлигини 2-расмда кўришимиз мумкин. Спортчиларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний имкониятлари бир хил бўлиши мумкин. Аммо профессионал даражада ва кизикишларига мос келганлиги учун спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг натижалари турличадир. Чунки, профессионал фаолият спортчига юкори талабларни қўйади. Ҳаваскор спортчи ўз соғлиғи учун спорт билан шуғулланса, спортни касб даражасига олиб чиққан спортчи айнан муваффақиятга эришиш йўлида соғлигини доим тиклаб туриши, уни йўкотмаслик учун ҳаракат қилиши керак бўлиши кузатилган.



2-расм. Тадқиқот иштирокчиларининг профессионал ва ҳаваскор спортчилар кесимидаги таҳлили.

Тадқиқотда жами спортчиларнинг сони 452 нафарни ташкил этади: профессионал ва ҳаваскор спортчилар, турли спорт даражаси, ёши ва спорт тури бўйича иштирок этганлар, спорт тури ва ёш кесимидаги таҳлили қуйидаги 3-расмда ўз аксини топган.



3-расм. Тадқиқот иштирокчиларининг спорт турлари ва ёш кесимидаги таҳлили

Тадкикотимизда катнашган 452 нафар спортчиларнинг аксариятини 17 ёшдан 20 ёшгача бўлган спортчилар, ундан кейин: 21 ёшдан 24 ёшгача бўлган спортчилар, навбатдаги камрок фоиздаги спортчилар: 16 ёшлилар ва 25 ёшли спортчилар аникланган. Улардан 206 нафар вазиятли спорт турлари ва 246 нафар бадиий спорт турлари спортчилари иштирок этганлар. Тадкикотда иштирок этган спортчиларнинг ўртача ёши 20 ёш деб олинди. Қўлланилган барча методикалар таҳлили синлувчиларнинг ёш даражаси, спорт тури, спортда эришган ютуклари даражаси, спорт турининг психологик хусусиятлари, спортчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлигини аниклашга караб олиб борилди.

1-жадвал

Спортчининг умумий психологик тайёргарлигини баҳолаш (бирламчи психологик кўрсаткичлар)

Паст кўрсаткичлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	Юкори кўрсаткичлар
Маглубиятдан кочиш									X		Муваффакиятга эришиш
Бефарк							X				Жавобгар
Сust ирода							X				Юкори ирода
Масъулиятсиз						X					Масъулият
Баркарор										X	Узгарувчан
Содда	X										Эхтиеткор
Субъектив					X						Объектив
Конкрет								X			Мантикий
Қатъиятсиз								X			Қатъиятли
Юмшок, сезгир										X	Қаттиқўл, жиддий
Ноаник, хавотир				X							Ишонч, хотиржам
Асабий								X			Хушер
Интроверт						X					Экстроверт
Пассив				X							Актив
Бўшанг						X					Фаол
Ўзини бошкара олмаслик						X					Ўзини бошкара олиш
Чарчок холати									X		Тетик холат

Олиб борилган тадқиқотимизда спортчининг умумий психологик тайёргарлигини баҳолаш максадида бирламчи психологик кўрсаткичларни аниклаш учун муаллифлик сўровномаси ўтказилган ва унинг натижалари

қуйидаги жадвалларда келтирилган. 1-жадвалда спортчининг индивидуал-психологик хусусиятлари 10 баллик тизим бўйича баҳоланган: паст даражада 1-3, ўртача даражада 4-7, юкори даражада 8-10 балл билан белгиланган.

Энг паст кўрсаткич стресс вазиятларда сафарбарлик кобилияти эканлиги аникланган ва бу холатни яхшилашга доир психологик тайёргарликни амалга ошириш кераклиги хакида тавсиялар берилган хулк-атворини ва холатини коррекция килиш, жорий рухий чидамлилик ва фаоллик кобилиятини ривожлантиришга алохида ахамият бериш кераклигини кўрсатади (2-жадвал). Анкета суровномасидан шундай холат кузатилдики, тайёргарлик жараёнида спортчи мухим бўлган боскичларни амалга ошириши ижобий натижага олиб келади: режалаштириш, максад кўйиш, мотивация, тусикларни енгиб ўтиш, ўзини ўзи бошкариш ва тиклаб олиш, мусобака шарт-шароитлари ва ракиби хакида маълумотларни тахлил кила олиш ва бошкалар.

Спортчининг умумий психологик тайёргарлигини баҳолашда бирламчи психологик кўрсаткичларни аниклаш 10 баллик шкала бўйича кўрсаткичларнинг комплекс характеристикаси аникланган. Объективлик ва реал баҳолаш, мусобакада ракобатбардошлик кўрсаткичлари юкори баллни кўрсатган. Шунингдек, мусобакада ракобатбардошлик кўрсаткичи бўйича спортчида 9.2 балл аникланган.

2-жадвал

Спортчи психологик тайёргарлигининг комплекс характеристикаси

№	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Мусобакада ракобатбардошлик	9,2
2.	Ўз устида ишлашга интилиш	7,1
3.	Объективлик ва реал баҳолаш	10,0
4.	Ўзини идрок килиш ва баҳолашда хакконийлик	7,9
5.	Эмоционал баркарорлик	7,4
6.	Стресс вазиятларда сафарбарлик кобилияти	6,3
7.	Ўзини назорат килиш	7,7
8.	Хулк атворини ва холатини коррекция килиш	6,7
9.	Умумий рухий чидамлилик	8,2
10.	Жорий рухий чидамлилик ва фаоллик кобилияти	6,7

Спортчи ўзидаги бу холатларни бошкара олсагина, натижага эришиши мумкин. Айнан спортчи учун кайси психологик тайёргарлик турини аниклаш мухим, чунки шу асосда спортчига керакли бўлган индивидуал усул ва воситалар белгиланади. Кейинги боскичларда хар бир спортчи учун индивидуал ва гурух билан психологик тайёргарликка таъсир этадиган холатлар устида ишлаш талаб этилади: стресс, хавотир, фрустрация, низо, инкироз, агрессия. Тадкикомизда давомида олинган натижалар асосида кўйидаги хулосаларга келиш мумкин: спортчининг психологик тайёргарлик даражасининг таркибий кисмлари етарли даражада ифодаланмаган. Бу эса, спортчи фаолиятининг психологик тайёргарлиги учун мухим бўлган эмоционал, иродавий, мотивацион каби асосий сифатлари фаол эмаслигини хамда коррекцион компонентни ривожлантириш барча функционал ва рухий имкониятларини таъминлаб беришини кўрсатади.

Тадкикотимизда М.В.Чумаковнинг "Шахснинг иродавий сифатлари" методикаси Э.Ғ.Ғозиев томонидан модификация килинган вариантидан

фойдаландик. Қуйидаги 3-жадвалда методика шкалаларининг масъулиятлилик (Z=3,01; p<0,05), ташаббускорлик (Z=2,27; p<0,05), қатъиятлилик (Z=2,65; p<0,05), мустақиллик (Z=3,28; p<0,05), матонат (Z=2,11; p<0,05), тиришқоқлик (Z=3,25; p<0,05), ғайратлилик (Z=2,22; p<0,05), зийраклик (Z=3,11; p<0,05), собиткадамлик (Z=2,97; p<0,05) шкалалари бўйича олинган маълумотлар кўрсаткичларнинг нормал тақсимланиш қонунига мос келмаслиги аниқланди. Спортчиларнинг продавий сифатлари туфайли шахсий ташаббуси билан олдиндан режага солинган йўналишда куч ғайрат билан жисмоний ҳаракатларни бажариши ва мақсадга эришиш воситалари, йўл-йўриқларини олдиндан қўйишда, маълум бир қарорга келишда намоён бўлади.

3-жадвал

М.В.Чумаковнинг "Шахснинг продавий сифатлари" методикаси шкалаларининг нормал тақсимланиш қонунига мослигини текшириш натижалари (Колмогоров-Смирнов Z мезони, N=452)

Шкалалар	Ўртача	Ст.огиш	Колмогоров-Смирнов Z	p
Масъулиятлилик	5,3	1,8	3,01	0,000**
Ташаббускорлик	5,4	1,8	2,27	0,000**
Қатъиятлилик	4,5	1,7	2,65	0,000**
Мустақиллик	4,3	1,5	3,28	0,000**
Матонат	6,2	1,9	2,11	0,000**
Тиришқоқлик	3,8	1,3	3,25	0,000**
Ғайратлилик	6,3	2,1	2,22	0,000**
Зийраклик	4,4	1,4	3,11	0,000**
Собиткадамлик	6,2	1,9	2,97	0,000**

Изоҳ ** - p<0 01.

Тадқиқотимизда қўлланилган барча методикалар шкалаларининг нормал тақсимланиш қонунига мослиги Колмогоров-Смирнов мезони асосида текширилди ва олинган маълумотлар кўрсаткичларининг нормал тақсимланиш қонунига мос келмаслигини кўрсатади. Демак, тадқиқотимизнинг кейинги босқичида нопараметрик мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Психологик тайёргарликни ошириш бўйича тадқиқ қилишнинг методологик асослари ва эмпирик тадқиқ этиш натижалари» сифатида номланган диссертация ишининг тўртинчи бобидан спортчиларда психологик тайёргарликни ўрганиш методикалари бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили ҳамда методикалар кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатларни эмпирик тадқиқ этиш натижалари ўрин олган.

"Ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси шкалалари бўйича спортчиларни психоэмоционал ҳолати натижалари аниқланганда, бадиий спорт турлари билан шуғулланадиган спортчиларда ўзини ҳис қилиш (U=19526,5; p<0,01), фаоллик (U=20659,5; p<0,01) юқорилиги аниқланди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, спортчи ҳаракатлари унинг эмоционал ҳолати билан боғлиқ: ҳар бир машқ тўғри, техник ва тактик қоидаларга амал қилган ҳолда бажарилган ҳолатда ҳам, спортчида турли кучли салбий ҳис-туйғуларга сабаб бўлади, эътиборини чалғитади ва натижага таъсир этади.

Натижада, спортчи иродасини заифлашиши, ўз кучига ишончсизлик ва харакатларини пассивлашиб боришига олиб келиши кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

"Ўзини хис килиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси шкалалари бўйича вазиятли спорт ва бадиий спорт турлари ўртасидаги тафовутни аниклаш натижалари (Манн-Уитни U мезони)

Кўрсаткичлар	Спорт турлари бўйича гурухлар		U	p
	Вазиятли спорт турлари	Бадиий спорт турлари		
Ўзини хис килиш	198,29	250,12	19526,500	0,000**
Фаоллик	203,79	245,52	20659,500	0,001**
Кайфият	217,97	233,64	23581,000	0,203

Изох: ** - p<0.01

Тадкикотимизда М.В.Чумаковнинг "Шахснинг иродавий сифатлари" методикаси кўрсаткичларининг ёш динамикасини ўрганиш натижалари тахлили келтириб ўтилган. Бунда, спортчиларда ёш динамикаси орасидаги статистик тафовутларни аниклаш натижалари ғайратлилик 17-20 ёшли (H=0,004; p<0,05), собиткадамлик 16 ёшли (H=0,007; p<0,05) спортчиларда юкори эканлиги аникланган. Спортчиларнинг айнан шу ёшида ғалаба козониш учун кучга тўлган, имкониятлари чексиз, ғайратини намоён киладиган давр эканлиги кузатилди. Спортчиларда иродавий сифатларнинг шаклланишига: динамик жисмоний фазилатлар - куч, тезлик, реакция тезлиги; катта ва узок ютукларга жавоб берувчи иродавий сифатлардан: кийинчиликларга бардош бера олиш кобилияти, чидамлилик, катъиятлилик; мураккаб харакатларга жавоб берувчи сифатлар: концентрация, диккатни жамлай олиш, ўзини ўзи фаоллаштира олиш каби сифатлар устида ишлаш мухим. Демак, спортчилар кайси ёшда бўлишидан катъи-назар, бирламчи иродавий сифатларини шакллантириши ва тартибга солиши талаб этилади (5-жадвал).

5-жадвал

М.В.Чумаковнинг "Шахснинг иродавий сифатлари" методикаси кўрсаткичларнинг ёш динамикасини ўрганиш натижалари (Крускал-Уоллис H мезони)

Кўрсаткичлар	Ўртача ранглар				H	p
	16 ёш (N=65)	17-20 ёш (N=235)	21-24 ёш (N=122)	25 ёш (N=30)		
Масъулиятлилик	208,41	233,55	231,77	189,05	4,728	0,193
Ташаббускорлик	242,18	235,57	200,33	227,90	7,189	0,066
Катъиятлилик	239,24	229,41	220,04	202,37	2,120	0,548
Мустакиллик	228,52	230,61	224,37	198,62	1,717	0,633
Матонат	227,15	237,08	212,39	199,58	4,352	0,226
Тиришкоклик	245,48	228,90	217,13	204,72	3,090	0,378
Ғайратлилик	195,75	245,79	202,32	240,37	13,497	0,004**
Зийраклик	240,75	236,76	204,27	205,62	6,829	0,078
Собиткадамлик	244,72	240,49	197,77	194,23	11,998	0,007**

Изох: * - p<0.05.

Тадқиқотимизда спортчиларда кучли рақобат шароитида бор кучини сарф қилишга қаратилган, мусобақада голиб бўлишга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган ва окибатда олдига қўйган максадга етакловчи восита сифатида мотивацияни аниқлаш методикаси қўлланилди. Т.Элернинг "Муваффакиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш" методикалари шкалалари ёш динамикасини ўрганиш натижалари тахлили келтириб ўтилган (6-жадвал). Спортчиларда ёш динамикаси орасидаги статистик тафовутларни аниқлаш натижалари мағлубиятдан қочиш мотивацияси кўрсаткичида (H=10,271; p<0,01) 25 ёшли спортчиларда баланд эканлиги аникланган. Бу эса, катта ёшдаги спортчиларда, ўзининг хато ва камчиликлари устида ишлаш, тўғри хулоса чиқариш, мағлубиятдан қочиш мотивацияси юкори эканлигини кўрсатади.

6-жадвал

Т.Элернинг "Муваффакиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш" методикалари кўрсаткичларнинг ёш динамикасини ўрганиш натижалари (Крускал-Уоллис H мезони)

Кўрсаткичлар	Ўртача ранглар				H	p
	16 ёш (n=65)	17-20 ёш (n=235)	21-24 ёш (n=122)	25 ёш (n=30)		
Муваффакиятга эришиш	232,43	230,39	215,58	227,57	1,205	0,752
Мағлубиятдан қочиш	201,94	216,53	248,67	267,68	10,271	0,016*

Изох: * - p<0.05

Тадқиқотимизда Г.Айзенкнинг "Ўз психик ҳолатини баҳолаш" сўровномаси кўрсаткичларнинг ёш динамикасини ўрганиш натижалари кўрсатилган. Қуйидаги 7-жадвалда, статистик тафовутларни аниқлаш натижалари фрустрация 21-24 ёшли спортчилар (H=16,105; p<0,01) юкори эканлиги аникланган. Бу эса, айнан шу ёшдаги спортчиларда мусобака жараёнида ноқулай таъсирларга қарши курашиш учун феъл-атворида баркарорликни шакллантириш муҳимлигини кўрсатади.

7-жадвал

Г.Айзенкнинг "Ўз психик ҳолатини баҳолаш" сўровномаси кўрсаткичларнинг ёш динамикасини ўрганиш натижалари (Крускал-Уоллис H мезони)

Кўрсаткичлар	Ўртача ранглар				H	P
	16 ёш (n=65)	17-20 ёш (n=235)	21-24 ёш (n=122)	25 ёш (n=30)		
Хавотирланиш	218,78	223,72	238,30	217,03	1,497	0,683
Фрустрация	183,53	220,75	261,03	224,18	16,105	0,001**
Агрессивлик	262,58	225,83	212,93	208,80	6,890	0,075
Ригидлик	198,91	223,25	239,96	257,00	6,038	0,110

Изох: * - p<0.05

"Ўзини ҳис килиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси шкалаларида профессионал ва ҳаваскор спортчиларни тафовутларни аниқлаш синовлари бўйича олинган натижалар орасида ишонч даражасидаги статистик фарк

мавжуд (8-жадвал). Профессионал спортчиларда ҳаваскор спортчиларга нисбатан ўзини ҳис қилиш (U=14161,5; p<0,01), фаоллик (U=10581,5; p<0,01) кўрсаткичларида ишончли фарқлар борлиги аниқланган. Бу эса, профессионал спорт билан шуғулланадиган спортчиларда спорт фаолияти касб даражасидаги кадрият ҳисобланган учун юқори эканлигини кўрсатади.

8-жадвал

Профессионал ва ҳаваскор спортчиларда "Ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси шкалалари бўйича таққослаш натижалари (Манн-Уитни U мезони)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар (ўртача ранглар)		U	p
	Профессионал спортчилар (n=352)	Ҳаваскор спортчилар (n=100)		
Ўзини ҳис қилиш	232,77	201,62	14161,500	0,042*
Фаоллик	242,69	162,28	10581,500	0,000**
Кайфият	222,11	243,91	14841,500	0,154

Изоҳ: ** - p<0,01

Тадқиқотимизда турли спорт даражаларига эришган спортчиларда ўтказилган методикаларнинг тактик, техник ва жисмони тайёргарлик билан биргаликда психологик тайёргарликни олиб бориш ҳамда спортчида диққатни жамлаш, координация, тезкорликка бўйича олинган натижалар таҳлилини келтириб ўтамиз. Қуйидаги келтирилган 9-жадвалда турли спорт даражаларига эришган спортчиларни Г.Айзенкнинг "Ўз психик ҳолатини баҳолаш" сўровномаси шкалалари бўйича таққослаш натижалари бўйича хавотирланиш кўрсаткичи халқаро тоифадаги спорт усталарида (H=12,33; p<0,01) статистик жиҳатдан юқорилиги аниқланган.

9-жадвал

Турли спорт даражаларига эришган спортчиларни Г.Айзенкнинг "Ўз психик ҳолатини баҳолаш" сўровномаси шкалалари бўйича таққослаш натижалари (Крускал_Уоллис H мезони)

Кўрсаткичлар	Спортдаги даражаси (ўртача ранглар)						H	p
	1-разряд спортчилари	2-разряд спортчилари	3-разряд спортчилари	Спорт усталигига номзодлар	Спорт усталари	Халқаро тоифадаги спорт усталари		
Хавотирланиш	168,4	185,1	137,7	152,4	172,5	282,3	12,33	0,031*
Фрустрация	155,9	185,5	182,7	151,6	154,8	233,5	8,51	0,130
Агрессивлик	167,8	151,7	178,7	157,9	142,7	260,2	6,69	0,244
Ригидлик	170,3	176,1	140,5	158,8	143,1	268,5	8,67	0,123

Изоҳ: * - p<0,05.

Спортчиларда хавотирланиш хавфини олдиндан сезиш билан боғлиқ эмоционал дискомфортдир. Хавотирланиши юқори бўлган спортчиларда ҳар қандай вазиятни драматизация қилишга, муаммоларга пессимистик прогнозлар беришга, аксинча жуда паст хавотирланиш ўта хотиржамлик,

ўзига ишонч, кутилмаган хавфли вазиятларда ҳаддан ташқари бўшашишга олиб келиши кузатилди.

Тадқиқотда танланган методикалар кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатлар таҳлили "Ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси ҳамда Т.Элернинг "Муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш" методикасида аниқланган (10-жадвал). Ўзини ҳис қилиш профессионал спортчиларда (r=0,311; p<0,01) ва ҳаваскор спортчиларда (r=0,340; p<0,01) юқори бўлганда муваффақиятга эришиш юқори бўлади, мусбат алоқадорлик борлигини белгилайди. Профессионал спортчиларда фаоллик (r=0,488; p<0,01) юкори бўлганда муваффақиятга эришиш юкори бўлади. Кайфият шкаласи бўйича профессионал спортчиларда (r=0,357; p<0,01) ва ҳаваскор спортчиларда (r=0,309; p<0,01) юкори бўлганда муваффақиятга эришиш юкори бўлади. Бу эса кўрсаткичлар ўртасида мусбат муносабатлар борлигини белгилайди. Айнан профессионал спортчиларда спорт фаолияти касб даражасидаги қадрият ҳисобланган учун муваффақиятга эришиш юқорилиги кузатилди. Профессионал спортда ютуклар ғалаба учун кучли психоэмоционал ва стрессга чидамлиликни талаб қилади ва жуда катта жисмоний тажрибага эга бўлиш, ироданинг чидамлилиги, ҳаётда ва спортда асабларнинг таранглиги, икки баробар стрессни юзага келтиради. Маъсулият ва жавобгарлик фақат ўзи ва ҳаёти учун эмас, балки ватандошлар ва спорт фаолиятининг барча соҳалари учун ошиши кузатилди. Демак, спорт билан шуғулланиш профессионал спортчиларда коникиши ҳисси ҳисобланади ҳамда психологик куч, қудратли фаолият ва аник усулларда талабларни қондиришга ундовчи манба эканлигини кўришимиз мумкин.

10-жадвал

"Ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси ҳамда Т.Элернинг "Муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш" методикалари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатлар (Спирман мезони)


Кўрсаткичлар	Профессионал спортчилар (n=352)		Ҳаваскор спортчилар (n=100)	
	Муваффақиятга эришиш	Мағлубиятдан қочиш	Муваффақиятга эришиш	Мағлубиятдан қочиш
Ўзини ҳис қилиш	0,311**	0,008	0,340**	-0,066
Фаоллик	0,408**	-0,105	-0,074	-0,197
Кайфият	0,357**	0,015	0,309**	-0,083

Изоҳ ** - p<0 01.

Тадқиқотда иштирок этган спортчиларда олиб борилган эмоционал, мотивацион-иродавий, психологик саломатлик хусусиятларни аниқлаш кўрсаткичлари уларда тактик ва техник тайёргарликка ҳам ўз таъсирини кўрсатгани, спортчиларнинг шахсий сифатлари ҳамда психологик

саломатлик кўрсаткичлари ўртасида юкори корреляцион муносабатлар борлиги аникланган. Олинган маълумотлар асосида профессионал ва хаваскор спортчиларда психологик тайёргарликнинг шаклланиши модели ва спортчилар учун махсус тайёргарликни ривожлантирувчи тренинг дастури модели ишлаб чикилди.


Диссертациянинг **"Спорт ютукларига эришишда спортчиларнинг психологик тайёргарлиги механизмларини ишлаб чикиш"** деб номланган бешинчи бобида спортчиларнинг психологик тайёргарлигига таъсир килувчи психокоррекция тизимини шакллантириш боскичлари, спорт фаолиятида психотехнологияларнинг ахамияти ва психодиагностика усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, спортчиларни психологик тайёргарлигига таъсир этувчи психокоррекцион ишларни барқарорлаштириш хамда ижтимоий-психологик тренинг дастурини татбик этиш масалаларини такомиллаштириш ўрин олган.



4-расм. Профессионал ва хаваскор спортчиларда психологик тайёргарликнинг шаклланиши модели.

Диссертация ишимиз доирасида тадкикот максадидан келиб чикиб, психологик тайёргарликнинг асосий механизмлари сифатида 4-расмда профессионал ва хаваскор спортчиларда психологик тайёргарликнинг шаклланиши моделини келтириб ўтганмиз.

Тадқиқот ишимиз жараёнида шуни билдикки, психологик тайёргарлик спортчининг ўзига хос бўлган сифатлардан уч боскичли ёндашувни: жамоавий, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларни ўз ичига олади ҳамда спортчи шахсини ҳар томонлама баркамол ривожлантиришга йўналтирилган тайёргарлик тизимини яратишни тақозо қилади. Шунингдек, спортчиларни психологик тайёрлаш дастурида диагностика тадбирлари, консультацион фаолият (диагностик тадқиқотлар натижалари ва иштирокчиларнинг сўрови асосида) ҳамда коррекцион-ривожлантириш мухим. Спортчиларда олиб борилган посткоррекция натижалари қуйидаги хулосаларни келтиришни тақозо қилади.



5-расм. "Шахснинг иродавий сифатлари" методикаси кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ўзгариши.

Спортчиларда иродавий сифатлар кўрсаткичларининг коррекцион дастурдан кейинги ўзгариши қуйидаги расмда кўрсатилган (5-расм). Тадқиқот иштирокчиларида посткоррекция натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди: спортчиларнинг 9 та иродавий сифатлари ижобий томонга ўзгарган, зийраклик ва собитқадамлик кўрсаткичлари пасайиши қўшимча усуллардан фойдаланишни талаб этади. Бизнинг фикримизча, бирламчи иродавий сифатларни ривожлантириш, машғулотларнинг дастлабки боскичида амалга оширилиши керак. Чунки, спортчи ўзи қатъият билан мақсадга эришишга интилмаса, унда мураббий ҳам ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. Шунингдек, спортчилар қайси спорт тури билан шуғулланишидан қатъи-назар, улар ўртасида ихтиёрий фаолият услубини ривожлантириш мухим, булар: рағбатлантириш, тартибга солиш, жазолаш, чеклаш. Спортчиларда ирода, ғалабага интилиш, эпчиллик, чидамлилик каби сифатлар спорт машғулотлари жараёнида шаклланиши ва бу ҳислатлар доимий характерга айланиши учун уларни чархлаш мухимлиги аниқланди. Спортчиларнинг муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлада

олиб борилган натижалар коррекциядан кейин ўзгаришда синалувчиларда муваффақиятга эришиш 33 та спортчиларда (Z=-6,224; p<0,01) ошганлиги, мағлубиятдан қочиш 18 та спортчиларда пасайганлиги аниқланган (11-жадвал). Натижалардан келиб чиққан ҳолда, спортчиларда муваффақиятга эришиш мотивациясининг тузилиши индивидуал хусусиятга эга бўлиши ва спортчи учун рағбатлантирувчи куч бўлиши аниқланган: спортчи ўзини ўзи англаши, намоён қила олиши, ўз бурчи ва мажбуриятларини аниқ билиши ва маъсулиятни тўлиқ ўзига олишида намоён бўлади.

11-жадвал

Т.Элерснинг "Муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш" методикалари кўрсаткичларининг коррекциядан кейин ўзгариши (Уилкоксон мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Коррекциядан кейинги кўрсаткичлар ўзгариши			Z	p
	Пасайган	Ошган	Ўзгармаган		
Муваффақиятга эришиш	4	33	3	-6,244	0,000**
Мағлубиятдан қочиш	18	10	12	1,226	0,085

Изоҳ: ** - p<0 01

Демак, юқори маҳоратли спортчининг муваффақиятга эришиш мотивациянинг асосий сабабларини аниқлаганимизда, мусобақа олдидан мусобақа қатнашчиларининг даражаси, имкониятлари ҳақида яхши хабардор бўлиши, унинг имкониятлари бошқаларникидан юқори эканлиги билиши, унда қониқиш ҳиссиётининг ошишига олиб келиши кузатилди. Лекин, бу ерда туғилаётган ижобий ҳиссиёт даражалари, мағлуб этилган рақибнинг маҳорат даражасига пропорционал бўлади. Рақиб қанча кучли бўлса, уни устидан козонилган ғалабадан ҳосил бўладиган ҳиссиёт ҳам шунчалик кучли бўлади. Аксинча, кучсиз рақибни енгиб ўтиш, спортчида ҳеч қандай ижобий кечинма ҳосил бўлмаслигига олиб келиши мумкинлиги аниқланди.

12-жадвал

"Ўзини ҳис қилиш. Фаоллик. Кайфият" методикаси кўрсаткичларининг коррекциядан кейин ўзгариши (Уилкоксон мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Коррекциядан кейинги кўрсаткичлар ўзгариши			Z	p
	Пасайган	Ошган	Ўзгармаган		
Ўзини ҳис қилиш	14	23	3	-2,244	0,032*
Фаоллик	10	18	12	1,123	0,089
Кайфият	13	14	13	0,786	0,456

Изоҳ: ** - p<0 01

"Ўзини ҳис қилиш, фаоллик ва кайфият" шкалаларининг 40 нафардан 23 та спортчиларда, коррекциядан кейин ўзгариши яъни, ўзини ҳис қилиш кўрсаткичида (Z=-2,244; p<0,01) ошганлиги аниқланган (12-жадвал). Методика натижалари таҳлилидан келиб чиқиб, спортчиларда ўзини сақлаш, хурсандчилик, фикрлаш ва ифодалаш, меҳр бериш, бошқалар билан жамоада бўлиш, улғайиш ва ўзини фаоллаштириш учун мойиллик юқори бўлганда

ўзини ҳис қилиш ҳам юқори бўлишини кўришимиз мумкин.

Спортчиларда психологик саломатлик кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ҳолатида ошгани (Z=-4,561; p<0,01) аниқланган. Демак, спортчи шахсининг психологик саломатлиги нафақат спортчининг ютуқлари, балки унинг кейинги барқарор шахсий ҳаёти, ижтимоий фаровон турмуши мезони эканлиги амалиётда ўз тасдигини топган. Шундан келиб чиқиб, спортчиларнинг психологик саломатлиги ва унинг натижалари орасидаги боғлиқликни чуқур изланишлар олиб борилиш талаб этилади (13-жадвал).

13-жадвал

"Психологик саломатлик" методикаси кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ўзгариши (Уилкоксон мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Коррекциядан кейинги кўрсаткичлар ўзгариши			Z	p
	Пасайган	Ошган	Ўзгармаган		
Психологик саломатлик	8	30	2	-4,561	0,000**

Изоҳ: ** - p<0.01.

Қуйидаги келтириб ўтилган, 14-жадвалда спортчи психик ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ўзгариши: хавотирланиш (Z=-6,147; p<0,01), фрустрация (Z=-6,025; p<0,01), агрессивлик (Z=-5,607; p<0,01), ригидлик (Z=-6,164; p<0,01) кўрсаткичлари пасайганлиги аниқланган.

Бу кўрсаткичларни пасайиши тадқиқот жараёнида ва ундан кейинги натижаларнинг самарали натижаларин кўрсатади, яъни спортчининг физиологик, психологик, ижтимоий ресурсларини шакллантириш ва фаоллаштиришга имкон беради. Чунки, тадқиқот ишимизда шуни аниқладикки, хавотирланиш ошганда спортчи куч-қувватини нотўғри сарфлайди ва бунинг асосий сабабларидан мусобақа ва рақиб ҳақидаги маълумотларни етарли эмаслиги, стрессга чидамлиликни пастлиги. Оқибатда жараённи ташкил қилишда ноаниқлик ҳамда бажарилаётган фаолиятнинг тартибсизлигига олиб келади. Спортчи учун мухими – оптимал, яъни ўзи учун фойдали бўлган хавотирланишни топиш: хавфли вазиятга қаршилик кўрсата оладиган қобилиятларни қамраб олиб, ўз фикрлари орқали ички монолог олиб бориш ва мушакларга таъсир кўрсатишдир.

14-жадвал

Г.Айзенкнинг "Ўз психик ҳолатини баҳолаш" сўровномасининг коррекциядан кейин ўзгариши (Уилкоксон мезони асосида)

Кўрсатгичлар	Коррекциядан кейинги кўрсаткичлар ўзгариши			Z	p
	Пасайган	Ошган	Ўзгармаган		
Хавотирланиш	39	1	0	-6,147	0,000**
Фрустрация	36	3	1	-6,025	0,000**
Агрессивлик	34	4	2	-5,607	0,000**
Ригидлик	40	0	0	-6,164	0,009**


Изоҳ: ** - p<0.01.

Тадқиқотимизни якунловчи босқичларида психокоррекцион амалиётдан

фойдаланиш натижалари қуйидаги диаграммада ўз аксини топган (6-расм). Яъни, синалувчиларда олиб борилган посткоррекцион кўрсаткичлар қуйидаги натижаларни берди:

- спортчи психологик тайёргарлигини натижасига самарали таъсир кўрсатадиган сифатларнинг пасайган кўрсаткичлари қуйидагича: мағлубиятдан қочиш - 18 та, регидлик – 40 та, агрессивлик – 34 та, фрустрация – 36 та, хавотирланиш – 39 та нафар спортчиларда;

- спортчи психологик тайёргарлигини натижасига самарали таъсир кўрсатадиган сифатларнинг ошган кўрсаткичлари қуйидагича: муваффакиятга эришиш 33 нафар спортчида ошган; мағлубиятдан қочиш -10 нафарда ошган; психологик саломатлик - 30 нафар спортчида ошган; кайфият – 14 та, фаоллик – 18 та, ўзини ҳис қилиш – 23 та спортчиларда ошганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида, вақт ўтиши ва тажриба ошиши билан спортчидаги профессионалликни вужудга келишига сабаб бўлишини кўрсатади.




6-расм. Методикалар кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ўзгариши.

Психокоррекцион тадбирлар ўтказиш жараёнида ва ундан кейинги босқичларда спортчиларда эмоционал, мотивацион-иродавий, психологик саломатлик ҳолатлари яхшиланди. Ўтказилган қайта тадқиқотлар ва эксперт баҳолаш натижаларида кўришимиз мумкин. Психологик билим-кўникмалар зарур фаолликни амалга ошириш ёки қобилиятни намоён этиш керак бўлган жараёнида ўз натижадорлигини намоён этганлигидан дарак беради ҳамда вақт ўтиши ва тажриба ошиши билан спортчидаги мавжуд психологик билим-кўникмалар бир қатор омиллар қаторида унда профессионалликни вужудга келишига сабаб бўлади. Тадқиқотимизда олиб борилган психокоррекцион тадбирларга асосланган ҳолда, методикалар кўрсаткичларининг коррекциядан кейинги ўзгариши, спортчиларнинг натижаларида ишончли даражадаги ижобий динамикани кўрсатади.

Спортчиларда психокоррекциядан фойдаланиш махсус психологик таъсир этиш усуллари ёрдамида унинг хулқи ёки психологиясидаги камчиликларни тўғрилашга қаратилган амалий тизим ҳисобланади. Психокоррекция ўтказишдан асосий максад спортчиларга тафаккур бузилиши, эмоционал зўриқиш ёки хулқ-атвор жабҳалари билан боғлиқ муаммоларга ёрдам беришдир.

Психокоррекция амалиёти аввало спортчини психодиагностика асосида ўрганиш ва хулоса қилишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида мусобақаларда психологик тайёргарликнинг мураккаблиги ва спортчининг шахсий индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, иродавий, эмоционал, когнитив жараёнларни ривожлантириш, тизимли психокоррекцион дастурни ишлаб чиқишни тақозо этади. Спортчининг психологик тайёргарлик босқичлари қуйидаги 7-расмда ўз аксини топган.



7-расм. Спортчининг психологик тайёргарлик босқичлари

Психологик тайёргарликни самарали олиб бориш учун техник, тактик ва жисмоний тайёргарликни ўзи етарли эмас. Мусобақаларда психологик тайёргарликнинг мураккаблиги ва спортчининг шахсий индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, иродавий, эмоционал, когнитив жараёнларни ривожлантириш, тизимли психокоррекцион дастурни ишлаб чиқишни тақозо этади.


Спорт психологлари учун психокоррекцион усулларни спортчилар фаолиятида қўллаш танланган спорт турида психологик тайёргарликнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун спортчининг психодиагностик натижалари ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан холда бир нечта босқичлардан иборат тайёргарликнинг олиб бориш муҳим ахамият касб этади.

Тадқиқотда маълумотларни тизимлаштириш спортчиларни юкори тайёргарлик босқичида психологик қўллаб-қувватлаш моделини ишлаб чиқишга имкон берди. Муваффакиятли психологик тайёргарлик натижасига олиб келувчи омиллар сифатида мураббийлар ва спорт психологларига спортчининг индивидуал-психологик хусусиятари диагностикасини ўтказиш, унинг натижалари эса мураббий ва спорт психологлари томонидан спортчининг машғулот жараёнида хамда мусобақадан олдинги ҳолатларида психологик тайёргарлигини оширишда ҳисобга олиниши зарур.

Психодиагностика амалиётида биринчи босқич - спортчиларда олиб борилган психодиагностик натижаларига кўра машғулот жараёнларини такомиллаштириш. Жумладан, спортчиларни психологик тайёргарлигини индивидуаллаштириш, психик ҳолатларни оптималлаштириш, эмоционал ҳолатларни кузатиш, иродавий сифатларни шакллантириш, муваффақиятга эришиш мотивациясини кучайтириш.

Спортчиларнинг психологик тайёргарлиги ва баркарорлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш, уларнинг типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психологик тайёргарлик технологияси биргаликда олиб бориш, психодиагностика натижаларини асосий параметрларидан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади.


Олиб борилган тадқикот ишимизнинг вазифаларидан бири 8-расмда келтирилган спорт машғулотларининг турли босқичларида спортчиларни психологик қўллаб-кувватлашнинг умумлаштирилган моделини яратишдир.



8-расм. Психологик тайёргарликнинг қўллаб-кувватлаш модели

Спортчилар билан муваффақиятли ишлаш учун мураббий ёки спорт психологи уларнинг шахсий индивидуал-психологик хусусиятларини психодиагностика қилишлари ва олинган натижаларни бевосита машғулотлар пайтида, спортчилар билан тарбиявий ишларни олиб боришда ва уларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишлари самарали натижаларга олиб келади. Бунинг учун мураббий ва спорт психологи психодиагностиканинг асосий параметрларидан фойланишлари максадга мувофик бўлади.

Психодиагностика натижасида ўрганилган асосий параметрлар ушбу 9-расмда келтирилган.



9-расм. Психодиагностика натижасида ўрганилган асосий параметрлар

Психодиагностика натижаларини аниқлаш қуйидаги асосланган таркибий қисмлар билан боғлиқлиги аниқланди:

1) психомотор қобилиятлар ривожлантириш бўйича - тана харакатларини аниқ бажариш учун имкон берадиган психик хусусиятлар: харакат ва идрок этиш хотираси;

2) максимал жисмоний зўриқишларда юзага келадиган рухий таранглик холатларида ўз-ўзини назорат қилиш ва тўсикларни енгиб ўтиш учун талаб қилинадиган иродавий сифатлар;

3) ахлоқий фазилатларга таъсир этувчи иродавий сифатлар ва эмоционал хусусиятлар: муваффақият ва маглубиятга муносабатлар, ҳиссиётларнинг салбийлиги ва иродани сустлиги, тез таслим бўлиш. Бу каби холатларда спортчининг хатти-харакатларини бошқариш устида ишлаш учун чукур психокоррекция ишлаш талаб этилади;

4) муваффақиятга таъсир этувчи мотивларни аниқлаш: спорт фаолиятининг турли боскичларида мотивлар кураши ёки мотивлар устунлигини кузатиш мумкин. Яъни, бошланғич боскичларида мотивлар аксарият холларда ота-оналар, мураббийлар хамда гурух ва тенгкурлар билан боғлик бўлган муносабатларга таянади. Сўнг, муваффақиятга эришишда мотивларнинг барқарорлиги спорт соҳасидаги тактик, техник, жисмоний ва психологик тайёргарлик билан белгиланади.

Машғулотлар жараёнида олинган типологик ва характер психодиагностикаси натижалари спортчининг психологик картасида акс эттирилади. Жумладан, ўтказилган саволнома, анкета ва тест интерпретациялари, психодиагностика натижалари асосида спорт психологи ва мураббий томонидан хар бир спортчи учун якуний хулосалар берилади.

Психологик қўллаб-кувватлаш моделининг иккинчи боскичида психологик тайёргарлик усулларига эътибор қаратиш мухим: идеомотор тренировка, ўз ўзига таъсир кўрсатиш, метидация, аутоген тренировка элементлари, салбий эмоцияларни бошқариш, иродавий сифатларни мустахкамлаш, нафас олиш техникалари ва кайта алока машклари. Бундай усулларни қўллаш ёрдамида спортчиларда апатия холатидан чикиш, харакатларни фаоллаштириш, ҳиссий барқарорликни шакллантириш мумкин.

Спортчи психологик техникаларни қўллаш ёрдамида ўз психик холатини бошқаришда идеомотор тренировка, ауторегуляция ва гетерорегуляциядан фойдаланиш самарали натижаларни кўрсатган.

Моделнинг учинчи боскичи машғулот жараёнида психологик тайёргарлик қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

1) мусобақаолди ва мусобака вақтидаги холатни бошкариш (мураккаб машклар жараёнида эмоционал-иродавий сифатларни мобиллаштириш, апатияни бартараф этиш, стартолди "лихорадка");

2) мусобака даврида ва мусобакадан кейин салбий эмоционал холатни психокоррекция қилиш, маглубиятга учраган ёки жисмоний жароҳат олган спортчиларни реабилитация жарёнига ўтказиш.


Бу боскичда амалга ошириладиган усуллар ва воситалар спортчиларда стрессга карши фойдаланишга қаратилган: сублимация ва рационализация каби психологик химоя механизмларини ўз ичига олади.

Спорт психологиясини ривожлантиришда ёрдам берадиган бундай психокоррекцион амалий усуллар спортчининг мусобакаларда кучли стресс

ва зўриқишларни олдини олишга, спортчининг сарфланган энергиясини рухий тикланишига, ақлий ва моторик фаолият даражасини оширишга ёрдам беради.

Олинган тадқиқот натижалари асосида спортчиларнинг максимал психологик тайёргарлиги кўрсаткичларини ривожлантириш бўйича тренинг дастури амалга оширилди. Унинг методологик асоси сифатида қуйидагилар олинди: спортчининг тайёргарлик ҳолатига қараб, унга мос келадиган психологик таъсир этиш тактикасини шакллантириш, спортчини оптимал жанговор ҳолатини ривожлантирадиган индивидуал техникалардан фойдаланиш, мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этишда спортчи ҳолатига таъсир этадиган экспресс назорат усул ва воситалардан фойдаланиш.

Спортчиларни психологик тайёргарлигига таъсир этувчи психокоррекцион йўналишлар ҳамда ижтимоий-психологик тренинг дастурини татбиқ этиш 10-расмда кўрсатилган.



10-расм. Спортчиларни психологик тайёргарлигига таъсир этувчи психокоррекцион йўналишлар ва ижтимоий-психологик тренинг дастури модели.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, психологик консультация ва психологик тренинг дастурининг умумлаштирилган психокоррекция усуллари тизими ишлаб чиқилди. Спортчиларни психологик тайёрлашга таъсир этувчи асосий психокоррекцион йўналишлар: эмоционал ҳолатлар, психик ўз-ўзини бошқариш, когнитив жараёнлар, максадларни тизимлаштириш, шахслараро муносабатларнинг психокоррекцияси аниқланди. Асосий психокоррекцион йўналишларига киритилган психокоррекция жараёни спортчининг когнитив, эмоционал, мотивацион ҳамда хулқ-атвор хусусиятларига аҳамият берилган ҳолда, индивидуал ёки гуруҳий тарзда амалиётда қўллаш тавсия қилинади. Тадқиқотларимиз натижаси сифатида муаллифик таърифини таклиф этамиз: спортда психологик тайёргарлик механизми - бу спортчининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик билан бирга психологик ҳолатини оптимал даражада сақлашга қаратилган жараён ва усуллар мажмуасидир. Ушбу механизм спортчи онгини бошқариш, стрессни камайтириш, ўз-ўзини ишончни ошириш ва мусобақалардаги муваффақиятни таъминлаш учун ишлатилади.

Спортчиларни психологик тайёргарлигига таъсир қилувчи психокоррекция тизимини шакллантириш босқичларидан яна бири, спортчи олдида турган мусобақалар аҳамиятини англаши, ўтказиш шарт-шароитларини ўрганиши, рақибининг кучли ва суст томонларини, унинг ва ўзининг имкониятларини ҳисобга олишидан иборат. Бу вазифалар амалга ошганда машғулот жараёнини моделлаштириш босқичига ўтиш мумкин. Яъни, мураббий билан ҳамкорликда спортчиларнинг соғлиғи, ҳаёти ва фаолиятига хавф туғдирадиган психологик таранглик билан ишлаш, салбий ҳиссиёт ва ҳаяжонни енгиш йўлларини, эмоционал ҳолатга қараб баданни қиздириш машқларини, спортчининг хусусиятларига қараб аутоген ва ўзини ўзи психологик бошқариш услубларидан фойдаланишни машқ қилишлари зарур.

ХУЛОСАЛАР

Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази ходимлари ҳар олти ойда миллий терма жамоалардаги спортчиларни тизимли равишда чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказишади. Мазкур текширувлар доирасида “Спорт психологияси” бўлимининг вазифаси спортчиларни психодиагностикасини ўтказиш ва федерация психологлари билан психологик тадбирлар олиб боришдан иборат. Келтириладиган хулосалар, Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази “Спорт психологияси” бўлими амалиётчи психологларининг 2021-2023 йилларда 300 дан ортиқ миллий терма жамоалар даражасидаги спортчилар билан олиб борган сўровномалар асосида шаклланган. Одатда, спортчилар психолог кабулини муҳим эмас деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли психодиагностика жараёнида аксарият ҳолларда улар ўзларини юқори баҳолайдилар. Мусобақа жараёнида эса аниқ копинг стратегиянинг йўқлиги, спортчиларнинг шахсий муаммолари

бордиги сабабли уларнинг спорт натижаларига салбий таъсир этиши аниқланган.

Ўтказилган тадқиқот иши натижалари қуйидаги **умумий хулосаларни** шакллантириш имконини беради:

1. Психологик тайёргарлик умумий спорт тайёргарлиги "пирамидаси"нинг бир бўлаги бўлиб, мукаммал шаклга келтирувчи муҳим қисмидир. Профессионал спортчиларга олий спорт ютуқларига эришишда жисмоний, тактик, техник тайёргарликни ўзи етарли эмас. Спорт тайёргарлигини "ўткирлаштирувчи" тайёргарлик жараёни спортчининг мотивацион-иродавий ва эмоционал хусусиятлари ҳамда психологик саломатлиги эканлиги аниқланди. Бу эса, узоқ муддатли машғулотларда мусобақаолди тайёргарликнинг спортчиларда максимал даражада диққатни ўзига жамлашлари, ўз қобилиятлари ва имкониятларини баҳолай олишлари ҳамда тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг соғлиғи, ҳаёти ва фаолиятига хавф туғдирадиган психологик таранглик билан ишлашни, ўз-ўзини ва эмоционал ҳолатини бошқариш усулларига ўргатишни тақозо қилади.

2. Спортчиларни психологик тайёрлашга таъсир этувчи бешта тизимли психокоррекцион компонентлар: информацион, мотивацион, эмоционал, иродавий, коррекцион ишлаб чиқилган. Бу компонентлар спортчи психологик тайёргарлигини оширишдаги рағбатлантирувчи, йўналтирувчи, ташаббусга ундовчи функциялар бўлиб, улардан фойдаланиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотимизда спортчи фаолиятининг муваффақияти кўпроқ унинг айнан шу спортга бўлган хоҳиши ва истаги, шундан келиб чиқиб унга туртки берувчи мотивлар эканлиги аниқланди. Спортчида машғулотга бориш истаги бўлмаганида турли хил субъектив сабаблар (чарчоқ, кам уйқу, суст кайфият, низоли муносабатлар, зарарли машғулот) бўлиши, унинг психологик саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлди. Шунинг учун мураббий ва спорт психологлари томонидан спортга бўлган қизиқиш ва креативлик орқали мотивни шакллантириш устида ишлаш, спортчида коммуникатив муносабатлар ва ғалабага бўлган ишончни ошириш самарали натижа бериши аниқланди.

3. Психодиагностика усулларини спортчининг индивидуал-психологик хусусиятларига қараб танлаш қайд этилди ва психологик тайёргарликнинг қўллаб-қувватлаш моделига доир маълумотлар берилди. Булар, психомотор қобилиятлар; иродавий сифатлар; эмоционал хусусиятлар; мотивлар; машғулот жараёнида психологик тайёргарликни оширувчи усуллар; мусобақа жараёнида психологик тайёргарликни бошқариш усуллари, шунингдек, спортчининг психологик саломатлиги: ахлоқий фазилатлари; ижтимоий нормалар; кадриятларга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги аниқланди.

4. Спортчиларнинг имконият ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, психодиагностик усулларни қўллаш, амалий психологик технологиялардан фойдаланиш, муваффақиятга эришиш мотивациясини ривожлантириш ва

мағлубиятдан кочиш бўйича реабилитацияни ишлатиш, психокоррекциянинг мунтазам, самарали усулларини спортчилар фаолиятида шакллантириш ижобий натижаларга олиб келиши кузатилди.

5. Психологик консультация ва психологик тренинг дастурини умумлаштириш орқали эмоционал ҳолатлар, психик ўз-ўзини бошкариш, когнитив жараёнлар, максадларни аниклаштириш, шахслараро муносабатлар психокоррекция усуллари билан ишлаш модели яратилди хамда уларни қўллаш орқали психологик тайёргарликнинг асосий механизмлари сифатида профессионал ва хаваскор спортчиларда психологик тайёргарликнинг шаклланиш модели ишлаб чикилди.

6. Психологик тайёргарликнинг далили сифатида спортчи хам иродавий, хам жисмоний томондан чиниккан ва мустахкам характерга эга бўлиши, уни мусобакаларда юқори натижаларга эришишига олиб келади. Аксинча, ироданинг заифлиги туфайли спортчи арзимаган тўсик ва кийинчиликларни енга олмайди, яъни журъатсиз, қўркоқ бўлади, максадидан воз кечади ва карорларини ўзгартиради. Спорт психологлари ва мураббийлар бундай спортчилар билан алоҳида психологик тайёргарлик борасида ўз камчиликлари устида янада кўпроқ ишлашга, мағлубиятдан тўғри хулоса чикаришга, кейинги мусобакаларда муваффакиятларга эришишида психологик тайёргарлик борасида ишлашлари самарали натижа беради. Спортчининг машғулотга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарса, муваффакиятга эришиш мотивацияси кўпаяди ва шу туфайли техник ва тактик харакатларни эгаллаш самарадорлиги ошади ва мусобакаларда ўз самарасини беради.

Тадқикот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар педагоглар, мураббийлар, спорт психологлари, спортчилар учун қуйидаги **амалий таклиф ва тавсияларни** беришга имкон яратади:

1. Спортчини психологик тайёрлаш жараёни – бу хам психологик, хам педагогик жараён бўлиб, психологик тайёргарликнинг умумий ва махсус томонлари, амалий ва назарий йўналишлари мазкур жараён учун зарурий ахборот, метод, техника ва технологияларни таъминлаб беради. Тадкикотларимизда спортчиларнинг қуйидаги психологик тайёргарлик босқичлари аникланди: таянч босқич (узоқ тайёргарликни талаб этадиган жараён); умумий босқич (мунтазам машғулотларга тайёргарлик); махсус босқич (мусобакаларга тайёргарлик); мусобакадан кейинги босқич (психокоррекция ва реабилитация) ва уларни спорт фаолиятида қўллаш учун спорт психологлари ва мураббийларга тавсиялар сифатида берилди.

2. Спортчида информацион ва мотивацион компонентларнинг юқори бўлиши, спортчининг барча функционал ва руҳий имкониятларини тўлик таъминлаб бера олмайди. Тавсиялар ўрнида спортчи билан ишлашда унинг ўзига хос психологик хусусиятларини инобатга олиш, умумий психологик тайёргарлигини ошириш учун энг кучли томонларини аниклаш муҳим. Бунинг учун мураббийлар ва спорт психологлари ўз устида ишлаши, мунтазам равишда янги усул ва технологияларга мурожаат қилишлари,

халқаро тажрибани ўрганишлари, бошқа тажрибали мураббийлар билан фикр алмашиб туришлари зарур. Психологик тайёргарлик бўйича таълимий ижтимоий-психологик тренинг ва психокоррекцион дастурлар ва амалий тавсияларнинг самарадорлиги тадқиқот иштирокчиларининг ижтимоий-психологик хусусиятларида фарқлар борлигини кўрсатди. Бу борада услубий тавсияномалар ва электрон дастурлар жорий қилинди ва амалиётда қўллаш учун таклифлар берилди.

3. Спортчида информацион ва мотивацион компонентларнинг юкори бўлиши, спортчининг барча функционал ва рухий имкониятларини тўлиқ таъминлаб бера олмайди. Тавсиялар ўрнида спортчи билан ишлашда унинг ўзига хос психологик хусусиятларини инобатга олиш, спортчининг умумий психологик тайёргарлигини ошириш учун энг кучли томонларини аниқлаш мухим. Эмоционал ва иродавий компонентларни ривожлантириш учун аутоген машғулотлар ўтказиш, психологик тренингларда иштирокини таъминлаш самарали натижа беради. Коррекцион компонент учун хаддан ташқари хаяжонланиш хиссиёти билан ишлаш ва маъсулият хиссини ошириш, психик жараёнларни мақсадли равишда, индивидуал тарзда такомиллаштириш жисмоний, тактик ва техник тайёргарликнинг психологик жихатларини ўрганиш тавсия этилади.

4. Спорт фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланиш, спортчиларни тайёрлашда ишлатиладиган асосий психорегуляция усуллари ҳақида мураббий ва спортчиларга таълимий маълумотларни бериш, спортчини оптимал жанговор холатини ривожлантирадиган психотехникалардан фойдаланиш, мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этишда спортчи ҳолатига таъсир этадиган экспресс назорат усул ва воситалардан фойдаланиш, педагоглар, спорт психологлари ва мураббийларга электрон дастурлар хамда услубий тавсияномалар сифатида берилди.

5. Профессионал спортчиларнинг олий ютукларга эришишида жисмоний, тактик, техник тайёргарлик билан биргаликда психологик тайёргарлик методларидан фойдаланиш спортчининг келажакдаги мусобақаларда иштирок этиши учун қўшимча захираларини очишга ёрдам бериши кузатилди ва спортчилар учун тавсия қилинди.

6. Спортчиларнинг эмоционал, мотивацион-иродавий, психологик саломатлик хусусиятларини аниқлаш орқали, уларнинг индивидуал копинг хулқка эга бўлиши, психоэмоционал ҳолати ва иродавий сифатларини ривожлантириш, спортчилар жамоасини жипслашиш ва муваффақиятга эришиш мотивациясининг самарадорлигини оширишда мураббий ва спортчиларга таълимий маълумотларни бериш тавсия этилди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ

АБДУМАДЖИДОВА ДИЛДОРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

РАЗРАБОТКА МЕХАНИЗМОВ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ СПОРТСМЕНОВ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ СПОРТИВНЫХ ДОСТИЖЕНИЙ

19.00.04 – Медицинская психология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан под № B2022.1.DSc/P55.

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:	**Содиев Аъзамжон Баходирович** Биология фанлари доктори
Официальные оппоненты:	**Сафаев Нуриддин Салихович.** Доктор психологических наук, профессор
	Пиличова Замира Таскараевна Доктор психологических наук, профессор
	Фарфиева Камола Атхамджановна Доктор психологических наук (DSc), профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «28» 05 2025 г в 14.00 часов на заседании разового научного совета на основании научного совета PhD.10/30.12.2009.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, г. Ташкент, ул.Батыра Закирова, 6, зал заседаний 3-й этаж Тел/факс: (+99871) 241-38-03, факс: (+99871) 241-38-03, e-mail: medsport@gmail.com)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского научно-практического центра спортивной медицины (зарегистрирована под № 33). Адрес: (Адрес: 100027, г Ташкент, ул. Батыра Закирова, 6, зал заседаний 3-й этаж Тел/факс: (+99871) 241-38-03.

Автореферат диссертации разослан «08» 05 2025 г.
(реестр Протокола рассылки №26 от «08» 05 2025 г.)

И.Р.Мавлянов
Председатель Разового Научного на основании Научного Совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Э.Махмудов
Ученый секретарь Разового Научного совета на основании Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

А.А.Хаджиметов
Председатель Научного семинара при Разовом Научном совета на основании Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире за последние двадцать лет значительно возросло внимание к психологической подготовке спортсменов в сфере современного спорта. Признано, что «...спортивная психология необходима спортсменам и другим участникам спортивных соревнований (тренерам, администраторам, родителям) в различных условиях, на соревнованиях различного уровня и в разных возрастных группах, от участников молодежных соревнований до профессиональных спортсменов, в том числе олимпийских чемпионов».[1] Вопрос о том, почему многие спортсмены, тренеры и спортивные администраторы не хотят обращаться к услугам квалифицированного спортивного психолога, даже если считают, что тот может им помочь, является одной из актуальных проблем в опросах последних исследований, проведенных на сегодняшний день. В связи с этим разработка эффективных методов и механизмов психологической подготовки для различных направлений спорта, научные исследования и практические результаты, способствующие повышению спортивных достижений, приобретают приоритетную значимость в этой области.

В мире непрерывно проводятся исследования в области спортивной психологии. Это, в свою очередь, помогает более четко представлять процесс влияния на продуктивность умственных способностей и его механизмы. Спортивная психология в отличие от таких дисциплин, как спортивная физиология и биохимия, показывает, что спортсмены могут достигать более высоких и быстрых результатов, которых они не ожидают, поднимая тяжести, развивая сильную мускулатуру. Эти исследования подчеркивают важность сочетания традиционных знаний с современными научными методами при разработке новых психологических подходов, приобретая особую научную и практическую значимость в исследованиях по проблеме совершенствования современных знаний в этой области.

В нашей стране реализуются комплексные меры, направленные на развитие многих сфер в области психологии, в частности, спортивной психологии. В связи с этим, согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан о всесторонней подготовке наших спортсменов к Олимпийским и Паралимпийским играм 2024 г. в Париже ПП-5281 от 5 ноября 2021 г. «О комплексной подготовке спортсменов из Узбекистана к XXXIII летним Олимпийским играм и XVII Паралимпийским играм 2024 года в Париже (Франция)»,[2] важным приоритетом являются углубленный анализ и изучение спортивной фармакологии, психологии, медицины, диетологии, разработка на их основе научно обоснованных предложений. При реализации этих задач целесообразно провести углубленные научные

[1] Из обращения XV Всемирном конгрессе по психологии «International Society of Sports Psychology 2021» в городе Тайбэе с 30 сентября по 4 октября 2021 году

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-5281 от 5 ноября 2021 года «О комплексной подготовке спортсменов из Узбекистана к XXXIII летним Олимпийским играм и XVII Паралимпийским играм 2024 года в Париже (Франция)».

исследования в области спортивной психологии и создать эффективные методы для этой цели, а также расширить сферу исследований по совершенствованию существующих.

Изложенные в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» «цель 67: увеличение числа граждан, регулярно занимающихся физической культурой и спортом» и «цель 68: развитие олимпийского и паралимпийского движения»,[3] направлены на реализацию специалистами и учеными нашей республики целевых программ инновационных теоретических и практических научных разработок. Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-234 от 5 мая 2020 г. «О комплексной подготовке спортсменов Узбекистана к XIX летним Азиатским и IV Параазиатским играм, которые пройдут в Ханчжоу (Китай) в 2022 году», ПП-5281 от 5 ноября 2021 г. «Решение о комплексной подготовке спортсменов из Узбекистана к XXXIII летним Олимпийским играм 2024 года и XVII Паралимпийским играм в Париже, Франция», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.[4] Научные исследования, направленные на изучение психологических особенностей спортсменов в области спортивной психологии, проводят видные ученые ведущих научных центров мира и высших учебных заведений

[3] https://lex.uz/uz/docs/-5841063.

[4] Данная часть освещена на основе следующих источников. Kunath P. Changes in pervonnance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology». – Rome, 1974. – № 1, Ogilvie B., Tutko T., Lyon L. The Motivational Inventory//Sholastic Coach. – San Xose, 1976; Kohl K. Uber Bedeutungsgehalte des Sportspiels//«Sportpsychologie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972; Vanek M., Hosek W., Svoboda B. Studie osobnosti ve sporty. – Praha: Universita Karlova, 1974, Biro H. Extroverzia a zmena vykonny v perspecnomotorickei uloke u sporto vsov//Teorie a praxe telesne vychovy. – 1976. – № 3; Роднонов А.В. Влияние психологических факторов на спортивный результат. – М.: ФиС, 1983, Виткин Б.А. Управление психическим стрессом в спортивных соревнованиях. – М.: ФиС, 1981; Лобзин В.С., Решетников М.М. Аутогенная тренировка. – Л.: Медицина, 1986; Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности. –М.: Просвещение, 1985; Нораидзе В.Г. Влияние спортивной деятельности на формирование характера личности спортсмена; Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирования соревновательной установки у спортсменов; Дойль В. Психологические проблемы развития психических качеств спортсмена; Пуни А.Ц. Некоторые вопросы теории воли и волевая подготовка в спорте; Онищенко Н.М. Опыт психологического изучения основных качеств личности спортсмена; Попеску С., Иота М., Хорднган В. О некоторых средствах и приемах психического воздействия в спорте. Сборник научных работ психологов спорта. – М.: ФиС, 1973; Токарева В.А. Межнаучная проблема личности и перспективы ее исследования в XXI веке /XXI аср психологияси назария, амалиет, истиқболлар//ЎзМУ халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: «Mumtozsoz», 2013.

South-American Association Taytsu (Канада); National China Association Ushu (Китай); Institution of Martial Arts Kodokan (Япония); Federation of Martial Arts Taikwondo (Южная Корея); Sofiya University in Bolgary (Болгария); University of Social Psichology (Польша); Hamburg University in Germany (Германия); Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова, Санкт-Петербургский государственный институт физического воспитания им. П.Ф.Лесгафта (Россия).

В мире на основе проведенных исследований по совершенствованию системы психологической поддержки спортсменов, психологического обслуживания их были получены следующие результаты: сформирована система психологического консультирования и практической помощи спортсменам (Канада); разработаны методы использования силы сознания при подготовке к соревнованиям, т.е. визуализации (Китай); созданы психологические основы адаптации спортсменок к новым соревнованиям (Болгария); разработана система социально-психологического сопровождения спортсменок (Польша); создана система подготовки спортсменов к местным и международным отношениям (Южная Корея); улучшены международные права спортсменов (Япония); создан комплексный механизм эффективного использования спортсменов в свободное время (Швейцария).

В мировой деятельности спортивной психологии ведутся научные исследования по целому ряду приоритетных направлений, способствующих повышению эффективности психологической подготовки спортсменов на этапе спортивного совершенствования в соревновательный период, контролю психологического состояния спортсмена, изучению психики спортсмена в ее различных аспектах, психологической устойчивости его в процессе подготовки к соревнованиям. К ним относятся, в частности, внедрение в практику психодиагностических методов и психокоррекционных программ, направленных на выявление психики спортсмена, психоэмоциональной, волевой и мотивационной составляющих каждого вида деятельности спортсмена и уровня его достижений в спорте.

Степень изученности проблемы. В Республике ученые-психологи изучали профессиональные психологические качества, то есть индивидуально-психологические факторы, определяющие потенциал человека в определенной области, в процессе, требующем специальных знаний, умений и квалификации также предложили психологические подходы ученые, как М.Давлетшин, Э.Гозиев, Р.Гайнутдинов, З.Г.Гаппаров, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Р.Суннатова, Р.Тожибоева, Н.Сафаев, Н.Мираширова, Н.Одилова, Й.Машарипов, Д.Н.Арзикулов, Ж.Пулатов, Г. Елдашева, З.Э.Газиева.[5]

---

[5] Давлетшин Г. Ёш авлодни тарбиялашнинг психологик муаммолари. –Тошкент: "Кадриятлар ва истиқлол тараққиёт", 1997, Гозиев Э. Интеллект психологияси –Т.: «Университет»,1996, Кадыров Б. Способности и склонности –Тошкент: Фан, 1990, Гайнутдинов Р., Гаппаров З. Динамика психофизиологических показателей в процессе учебных нагрузок у студентов института физической культуры //Вопросы физического воспитания студентов –Тошкент, 1976 –С.147-152, Шоумаров Ғ.Б. Реализация Национальной

Информация о психолого-педагогических особенностях воспитания спортсменов отражена в научно-исследовательских работах таких ученых, как Л.Выготский, А.Леонтьев, А.Бодалев, Б.Ананьев, А.Г.Асмолов, Б.Ц.Бадмаев.[6]

Развитие объективного методологического подхода к изучению личности спортсмена, его места, положения в системе общения и коммуникации, использования врожденных и приобретенных качеств и удовлетворения собственных потребностей, более широкое, целостное определение личности человека, формирующие психологические особенности спорта в социализации личности рассматриваются в научных работах ряда ученых, в том числе таких, как Н.Кунат, В.Сафин, Р.Пилоян, Ю.Ханин, В.Г.Асеев, А.А.Бодалев, В.В.Столин, В.Лобзин, М.Решетников, В.Марищук, О.Н.Кажарская, О.А.Кондрашихина, В.А.Родионов.[7]

